

1930 йил
12 МАЙДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИБ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

№ № 85 — 86

(2622 — 2623)

1993 йил

29 ОКТЯБРЬ

ЖУМА

СОТУВДА ЭРКИН
НАРХДА

Бугунги сонда:

3-бет
ФАН ЖИНОЯТЛАРНИ
ТАДҚИҚ ҚИЛАДИ

4, 5-бетлар
ҲАФТАЛИК ТЕЛЕКЎР-
САТУВЛАР ДАСТУРИ

7-бет
"БИР ПАС ҲОРДИҚ ОЛАЙЛИК" РУКНИ ОСТИДА:
ҲАЖВИЯ, ШЕЪР ВА ХАНДАЛАР

ИККИ ЖУМА ОРАЛИҒИДА

Айни кунларда Ўзбекистон пахтани қайта ишлаш ва пахта маҳсулотини сотиш давлат акционерлик ассоциацияси ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг қарорига асосан "Ўздавпахтасаноатсотиш" тизимидаги пахта тозалаш (каноп) заводлари ва уларнинг тайёрлов пунктлари, пахта базалари, корхона ва ташиқлотларда ўтказилаётган ёнғин хавфсизлиги ойлиги якунланмоқда. Ёнғиндан сақлаш хизмати ходимлари эса ойлик давомида нафақат ушбу тизим бўйича, балки бошқа корхона ва муассасаларда, шунингдек, турар жойларда ҳам ёнғин содир бўлишининг олдини олиш борасида бир қатор ижобий ишларни амалга оширмоқдалар. Аммо жойларда, хонадонларда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилмаслик ёки лоқайдлик билан қараш оқибатида ҳамон кўнглини хира қиладиган ҳодисалар юз бериб турибди.

Шу йил, 22 октябрда Навоий ГРЭСининг 3-блок, 3^а-трансформаторининг очиқ майдонида ёнғин содир бўлди. Ёнғин натижасида трансформаторнинг ички қисми ёнган. Сабаб: электр симининг қисқа туташуви. Моддий зарар аниқланмоқда.

23 октябрь куни Тошкент вилояти, Оҳангарон шаҳри, 2-мавзедаги 9-уйнинг 23-хонадонидан ёнғин чиқди. Оқибатда Муҳамедовлар оиласининг икки ва бир ёшли аъзолари — Альберт ва Александр Муҳамедовлар нобуд бўлишди.

24 октябрь куни Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманидаги Ким Пен Хва номли жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган 54-мактабда чиққан ёнғин мактабнинг 150 квадрат метр томи ва ўқув синфининг шифтини яроқсиз қолга келтирган. Ёнғин сабаби ва келтирган зарари аниқланмоқда.

Шу куни Жиззах вилояти, Зарбдор туманининг "Шарқюлдузи" пахта қабул қилиш пунктида электр симининг қисқа туташуви натижасида чиққан олов 110 килограмм пахтани кулга айлантирди.

25 октябрь куни Хоразм вилояти, Ҳазорасп туманида жойлашган улгуржи савдо омбори ёнди. Пойабзал омборининг 648 квадрат метр майдони олов ичида қолган. Зарар: 850 минг сўм атрофида. Ёнғин чиқиш сабаби аниқланяпти.

Худди шу куни Жиззах вилояти, Фориш туманининг "Туркистон" давлат хўжалигидаги тиббиёт шифохонасида яна ўша электр симининг қисқа туташуви сабаб бўлиб, шифохонанинг 200 квадрат метр томи ёниб кетган. Зарари 400 минг сўмни ташкил этди.

Р. ЖЎРАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЕСБ
катта муҳандиси, ички хизмат катта лейтенанти.

Шу сонга хабар

Тиббиёт кўргазмаси очилади

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Марказий поликлиникаси кейинги пайтларда янги тиббиёт аппаратлари ва техникаси билан бойиб бормоқда. Бу албатта, ўз-ўзидан касалликларни аниқлаш, тўғри ташхис қўйишда катта аҳамиятга эга бўлмоқда ва тиббиёт ходимлари ўз ишларида яхши натижаларга эришмоқдалар.

Поликлиникада ҳар қандай янгиликка алоҳида эътибор берилади ва амалда жорий қилиб борилади. Унинг республика тиббиёт масканлари ўртасида юқори обрў-эътиборга эришиб борётганлигининг боиси ҳам мана шундадир. Марказий поликлиника тиббиёт ходимлари яна бир ажойиб тадбирни амалга оширишга бел боғладилар. Шу йилнинг 2-5 ноябрь кунлари поликлиникада тиббиёт ускуналарининг халқро кўргазмаси ўтказилади. Кўргазмада офтальмология, неврология, гинекология, эндоскопия, стоматология ва лаборатория диагностикаси бўйича чет эл тиббиёт аппаратлари намойиш этилади. Тиббиёт мутахассисларини кўргазмага таклиф этамиз.

Шу куннинг мавзуси ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНМОҚДА

Жонажон ватанимиз — Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганига ҳам икки йилдан ошди. Шу қисқа давр "улуг йиллар" олдида кўз очиб юмгунча ўтиб кетадиган бир дақиқа бўлса-да, бироқ унинг бир куни йилларга тенгдир. Чунки шу қисқа муддатда улкан, оламшумул ютуқларга эришилди. Бунга биз ҳар дақиқада сезиб турибмиз.

Яқинда Сирдарё вилоятида бўлиб ўтган халқ депутатларининг сессияси кенгашида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов катта нутқ сўзлади.

Уни тинглаган ҳар бир инсон беихтиёр ҳаяжонга тушади, ўзида

қандайдир куч-қувват, келажакка ишонч пайдо бўлади. Чунки Президентимиз айни юракдаги гапларни айтганди-да. Анчадан бери фуқароларни ташвишга солиб келаятган қатор муаммолар хусусида очик-ойдин фикр юритилганди. Шу боис ушбу нутқ кишиларнинг ўзаро суҳбат мавзуси бўлиб қолди.

Эрта тонгда жамоат транспортларида хизматга отланган фуқаролар шу нутқ ҳақида ўзаро баҳслашиб бораётганларининг гувоҳи бўлдик.

Мазкур маъруза бизга нафақат маънавий озука берди, балки чуқур мушоҳада юритишга чақирди, кўлга

қалам тутказди.

— Социалистик жамиятда жиноятчилик илдиэлари, уни келтириб чиқарувчи сабаблар таг-томири билан қирқиб ташланди, жиноятчилик капиталистик тузум учун хосдир ва унинг қолдиқлари билан биз курашяпмиз, — деб минбарлардан туриб кўп жар солдик. Чиндан ҳам шундай эдими? Йўқ, албатта. Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат бўлгандан сўнггина вазиятни чуқурроқ англай бошладик. Терлаб-пишиб овозимизнинг борича маъруза қилгандан кўра вазифамизга жиддийроқ, виждонлироқ ёндашиш кераклигини унутиб қўйгандик.

(Давоми 2-бетда).

ЮРТ ДАРДИДА КУЯ БИЛИШ КЕРАК

Айни кунларда жойларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқи атрофлича ўрганилиб, манфаатдорлик ҳисси билан кенг муҳокама қилинмоқда.



Яқинда ана шундай тадбир Қибрай тумани ИИБда бўлиб ўтди. Йирилганлар даставвал Президентнинг Сирдарё вилоят Кенгашида сўзлаган нутқи ёзиб олинган видеокассетани кўришди. Шундан сўнг сўзга чиққан Қибрай тумани ИИБ бошлиғи, милиция полковниги Ихтиёр Позилхонов Президентнинг нутқидаги кескин фикрлар бевосита туман ИИБга ҳам тегишли эканлигини, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида қандай ишлаш кераклиги, истиқлолни мустақамлашда халқимиз эътиборига сабаб бўлаётган нуқсонларни қандай бартараф этиш лозимлиги тўғрисида батафсил тўхталиб, жумладан шундай деди:

— Агар адолат мезони бузилса ёки бир томонга оғиб кетса, жамият механизми издан чиқади. Ишончу иймонга путур етади. Адолатлилик ҳамма учун баробар бўлиши керак. Мабодо, лоақал бир кишига адолатсизлик қилинса, бунинг касри бутун жамоага, қолаверса бутун жамиятга тегади. Шунинг учун шу ерда ўтирган ҳар бир ходим ўзига топширилган вазифани виждонан, адолатли ҳал этиши керак.

Музокарада сўзга чиққан Тошкент вилояти ИИБ шахсий таркибни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоялаш бўлими бошлиғи, ички хизмат подполковниги М. Мирсовуров, Қибрай тумани ИИБ бошлиғининг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосари, милиция майори Т. Абдуқодиров,

туман ИИБ паспорт бўлинмаси бошлиғи, милиция майори А. Эргашев, 12-махсус комендатура бошлиғи, милиция капитани Ж. Умаров, жиноят-қидирув бўлинмаси тезкор вакили, милиция катта лейтенанти У. Отамуродов, милиция катта участка вакили, милиция капитани М. Тўраев ва бошқалар республика раҳбариятининг ички ва ташқи сиёсати, жумладан кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш борасидаги йўл-йўриқларини қўллаб-қувватлашларини таъкидладилар.

Чирчиқ шаҳар-ИИБда бўлиб ўтган йиғилиш ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг халқ ноиблари Сирдарё вилоят Кенгаши сессиясида сўзлаган нутқи муҳокамасига бағишланди. Йиғилиш иштирокчилари республика Президентининг Сирдарё вилояти Кенгашида сўзлаган нутқи ёзиб олинган видеокассетани кўрдилар. Сўнгра минбарга кўтарилган Чирчиқ шаҳар ИИБ бошлиғи, милиция майори Султон Облобеков ҳаяжонини яширмади:

— Мен юртбошимиз Ислон Каримовнинг кўп нутқларини тинглаганман, ўқиганман. Бироқ бу галги нутқларидан ниҳоятда ҳаяжонга тушдим. Чунки Президентнинг оғзидан чиқаётган ҳар бир сўз ҳақиқатдир. Ҳақиқат эса аччиқ бўлади. Уни ҳар ким ҳам ҳазм этолмайди. Нутқдан тўғри

хулоса чиқариб, камчиликларни ўз вақтида тузатиб олган кишининг иши доимо олдинга босади. Нима, бизнинг хато ва камчиликларимиз йўқми? Биз бугун мана шу хато-камчиликларимиз ҳақида очиқчасига гаплашиб олишимиз зарур.

Маърузачи ижтимоий-иқтисодий вазиятни соғломлаштириш, жиноятчиликнинг ҳар қандай кўринишига қарши муросасиз кураш олиб бориш тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтди.

Йиғилишда Тошкент вилояти ИИБ шахсий таркибни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоялаш бўлими бошлиғи, ички хизмат подполковниги М. Мирсовуров қатнашди ва нутқ сўзлади. Музокарада Чирчиқ шаҳар ИИБ бошлиғи ўринбосари Қ. Зияев, жиноят-қидирув бўлинмаси бошлиғи, милиция майори Б. Климов, ДАН бошлиғи, милиция майори М. Юсметов, пост-патрул хизмати бошлиғи, милиция майори Б. Беновлар сўзга чиқиб, юртбошимизнинг Сирдарё вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқидан ниҳоятда ҳаяжонга тушганликлари, бундан буён нутқда баён этилган фикрлар асосида ишлаш зарурлигини таъкидлаб ўтдилар.

Йиғилишларда кун тартибидagi масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди ва тадбирлар ишлаб чиқилди.

М. ТИЛЛАЕВ.

(Боши 1-бетда).

Халқ қандай яшайпти, қандай нафас оляпти, ўйламадик. Унинг юрагига қулоқ тутиб, ҳамнафас бўлмадик.

Оқибатда масъулиятсизликка, интизомсизликка, ташмачилигу ўғирликка йўл очиб қўйдик. Бундай гайриқонуний ҳаракатларимиз, бегамлигу лоқайдлик оқибатида маданий ва моддий турмуш даражасини бир неча бор орқага иткитиб юбордик. Мана, бугун сезяпмиз, кадрятларимизнинг қай даражада йўқолгани, меҳроқибатнинг шамолга учиб кетганини.

Мамлакатимизда ишсизлар ҳам, камбағаллар ҳам йўқ, дердик. Аслида эса ишсизлар, ночорлар биз хоҳлагандан ҳам кўпроқ эди. Ўша пайтларда ўз вазифасига совуққонлик, интизомсизлик, масъулиятсизлик, ичкиликбозлик, ахлоқан нопоқлик иш маромини мунтазам издан чиқариб тургани тўғрисида истаганча гапириш мумкин.

Хукумат қарорларини бажармаслик, бепарволик ва бунда изчилликнинг йўқлиги оқибатида келиб чиққан салбий асоратлар-чи? Одамлар онгига, вужудига сингиб кетган бу ҳолат. Бундан қутулиш йўлларини ўйламоқ керак, аниқроғи, Фармонларни бажармоқ зарур.

Президент Ислам Каримов Сирдаре вилоятида бўлиб ўтган сессия Кенгашида “Президент

Шу куннинг мавзуси

Вазифалар белгиланмоқда

Фармонларнинг бажарилиши талаб даражада эмас... Бу Фармонни чиқарганимизга неча йил бўлди? Бунга ким жавоб беради? — деб ниҳоятда тўғри савол қўйди. Айни шу ижродаги сусткашлик, таъмагирлик ишимизга путур етказмаяптими? Гоҳо уларни сезиб, гоҳо сезмай тартиббузарликлар, жиноятларнинг турли кўринишларини келтириб чиқаришга йўл очиб қўймаймизми?

Мана шулар ҳақида ўйлар эканмиз, ҳуқуқ-тартибот идоралари фаолиятини, жумладан, милиция фаолиятини бундан ҳам кучайтириш, такомиллаштириш шу куннинг энг муҳим ва долзарб вазифаларидан бўлмоғи кераклигини билиб оламиз.

Меҳнаткашлар турмуш даражасининг ўсиб бораётганлиги, даврга мос равишда маънавий ва маданий жиҳатдан юксалиш, ҳуқуқий давлат яратиш йўлидаги ҳаракатлар, қонун-қоидаларга зид турмуш кечириш ҳолатлари инсон қалбига қучли зарба бўлиб тушаётган жиноятчиликка қарши кескин кураш олиб боришни тақозо этмоқда ва чуқур масъулият юклямоқда. Бу деган сўз ички ишлар идоралари фаолиятидаги

барча имкониятларни, қарши курашиш шакллари ишга солиб яхлит, ҳар томонлама, бир ёқадан бош чиқариб курашишни талаб этади. Ҳуқуқ-тартиботнинг қайси соҳасида бўлмасин биринчи навбатда профилактик фаолиятни кучайтириш зарурдир. Чунки, профилактика бу жиноятга қарши фаол, тўлақонли ҳужум қилишдан иборат. Профилактика — бу маълум маънодаги тарбиядир. Унинг вазифаси жиноят содир этишга йўл қўймаслик, огоҳлантириш, олдини олиш, келтириб чиқарадиган сабабларни аниқлаш ва бартараф қилишдан ташкил топади. Бунинг учун профилактик ишни юқори сифат даражасига кўтариш керак. Чунки жиноятчи билан курашиш бундан кейин ҳам ҳуқуқ-тартибот идораларининг, ҳусусан милициянинг иши бўлиб қолади. Шу жиҳатдан олганда профилактика хизмати катта имкониятларга эгадир, фақат уни охиригача қўллаб, фойдалана билиш лозим. Шундагина ички ишлар идораларининг юқори даражадаги обрў-эътибори ўз аксини топади. Албатта, профилактик фаолиятни ва бундай огир вазифани бажарадиган

ҳодимлар ҳуқуқий билим жиҳатдан кучли бўлиши, педагогика асосларини эгаллаган, психология илмий асослари билан қуролланган бўлиши зарур. Ана шунда қайта тарбиялашдек мушкул ишнинг уйдасидан чиқиш мумкин.

Профилактика деганда фақат профилактика хизмати тизимини назарда тутиш ҳатодир. Бу хизматнинг вазифаси ташкилотчиликдан иборат бўлмоғи, фаолиятни ва таъсир ўтказиш шаклини эса барча хизматлар бажармоғи зарур.

Юқорида айтганимиздек, Кенгашида Президент Ислам Каримов ўз нутқининг кўп қисмини ҳуқуқ-тартибот идоралари фаолиятидаги камчиликларга қаратди. Йил бошида жиноятчиликка қарши кескин кураш бошлангани, бироқ Сирдаре вилоятида бу иш сусайиб кетганини ишончли рақамларда кўрсатиб ўтди. Халқ нонини туя қилаётганларга, жиноятчиларга қарши кескин чоралар кўрилмаётгани тўғрисида гапириб, инсон ғам-ташвиши ҳақида қайғурмаётганларни танқид остига олди.

Кенгашида айтиб ўтилган фикрлар, камчиликлар фақат Сирдаре

вилоятидагина эмас, балки республикамизнинг барча минтақаларидаги ҳуқуқ-тартибот идоралари фаолиятида ҳам мавжуд эканлиги сир эмас. Шу сабаб ҳам биз ҳар куни вилоятлар ички ишлар бошқармалари, бўлим ва бўлинмалар, турли хизмат тизимлари билан яқин алоқа ўрнатиб маълумотлар олиб турибмиз.

ИИБда жойларда ишнинг ташкил этилиши билан қатъий қизиқишмоқда. Тахририятга келаётган мактублар мазмунини ҳам шундан далолат бериб турибди. Биринчи бўлиб Тошкент вилояти ИИБ ҳодимлари Президентнинг Кенгашида сўзлаган нутқини телевизор орқали яна бир марта тингладилар ва бу борада тегишли ҳулосадар чиқариб, навбатдаги вазифаларни белгилаб олишди.

Бундай йиғилишлар республика вилоятлари ИИБларда давом этапти. Уларда, ички ишлар идораларининг қуйидан то юқоригача бўлган тизимларида хизмат қилаётган барча ҳодимлари жиноятчиликнинг ҳозирги манзараси билан чуқур ва қайтадан танишиб чиқмоқдалар. Шу билан бирга ички ишлар идораларида хизмат қиладиган ҳодимлар сафини соф виждонли, соғлом фикрли, гайратли, билимдон кадрлар билан тўлдириб бориш ва топширилган вазифаларни виждонан бажариш юзасидан келгуси ишлар режалаштириб олинмоқда.

ИШОНЧЛИ ВА КАФОЛАТЛИ

Жиззах шаҳар ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлимининг бошлиғи, милиция капитани

Мурод Қурбонов билан суҳбат

— Мурод ака, бозор деганлари қизиқ бўлар эканда, етти яшардан етмиш яшаргача — ҳамма пул, савдо-сотик буюмлар, мол-мулк ҳақида гапиради. Ишқилиб фақат моддийликнинг даври келди-да. Шундай қилиб, биз ҳам суҳбатимизни анъанавий гапдан бошлай қолайлик. Ёмон қовуннинг уруги кўп деганларидек, тижорат дўконлари ҳақида нима дейсиз?

— Албатта, сиз бу саволни мутахассисга бераяпсиз, харидорга эмас, тўғрими? Шу жиҳатдан айтиш мумкин, омадларини берсин, кўпаяверишсин, фақат қанча елиб-юғуриб топишганларини бир окшомада йўқотиб қўйишни хоҳламаса, дўконларини ишончли ҳимоячиларга қўриқлашга топширишни унутишмаса бўлгани. Ўзингиз ҳам яхши билсангиз керак, ҳозирги тижорат дўконларидаги нарх-наво ва у ердаги нарсаларни. Катталарда ясан-тусану, ҳар хил кийим-кечакка иштиёқ кам бўлади, аммо ёшлар ҳақида бундай деб бўлмайди. Бола болада, қизикади, сотиб олай деса пули йўқ. Шундай пайтларда уларнинг айримлари орзу қилган нарсасига етишишининг энг осон йўли деб ўғирлиқни танлашади. Балки улар қилаётган ушбу ишларининг моҳиятини тўлиқ тушуниб етишмас, аммо бу уларнинг ҳаракатини оқламайди.

Хуллас, гап тижорат дўконлари хусусида борар экан, айтишим мумкин, улар вояга етмаган ўғилар учун яхши субъект. Яқинда йигитларимиз шаҳардаги “Кўк бозор” бозори ичидаги воситачи дўконнинг томини кимдир бузаётганини пайкаб қолишади. Ярим кечаси эмасми, охишта ҳаракат қилиб, ҳалиги шарпани тутишади. У вояга

етмаган бир бола бўлиб чиқди. Ўша воқеадан сўнг худди ўша бозордан, яна кечаси Рустам Туропов деган ходимимиз икки йигитчани тутиб олди. Улар ҳам тижорат дўконига ўғирликка тушишган экан.

— Ёшларнинг иштиёқини тушунса бўлади. Аммо наҳотки сиз ўйлайсизки, улар иштиёқ билангина ўғирликка боришади, ва наҳотки катталаримиз шунчалар қўйилиб қолишган?

— Албатта, қўлнинг эгрилиги бўлмаса иштиёқ билан ҳеч ким бу йўлга қирмайди. Мен мана шу эгрилардаги иштиёқ ҳақида, иштиёқ ҳам қўли эгриликка олиб келиши мумкинлиги ҳақида айтмоқчи эдим. Катталарга келганда эса, уларнинг ҳаммаси ҳам қонунни ҳурмат қиладиган бўлиб қолгани йўқ. Яна ўша тижорат дўконлари мавзуси доирасидан чиқмай мисол айтадиган бўлсам, икки йигитимиз кечаси соат ўнлардан ўтгач, Ленин номи кўчадан кетишаётиб, тижорат дўконининг эшигини кимдир бузаётганини кўриб қолишади. Улар фурсатни бой бермай, ўғрини тутишиб, ИИБга келтиришади. Бу йигитни сира ҳам ёш, ўйламай бу ишга қўл урган деб бўлмас эди.

— Ўғриланинг кўпинча тижорат дўконларига ўғирликка тушишига наҳотки, у ердаги буюмларнинг хилма-хилу қимматбаҳолиги сабаб бўлса?

— Мен сабабни бошқа ердан қидирган бўлардим. Давлат дўконларининг аксарияти милиция томонидан, демакки ишончли қўриқланади. Ўғрилар таваккалчи бўлгани билан аҳмоқ эмас. Шунинг учун ҳам улар аксарият ҳолларда қўриқланмайдиган тижорат дўконларини ўмаришни маъқул кўришса керак. Бунинг олдини олиш чораси эса битта:

дўконни МКПга қўриқлашга топшириш, лозим. Бу ҳам ишончли, ҳам кафолатли.

— Мурод ака, энди ўзингиз раҳбарлик қилаётган бўлимингиз ҳақида ҳам икки огиз...

— Боя сиз суҳбатимизнинг бошида, моддийликнинг даври келди-да, дедингиз. Билмадим, буни билиб айтдингизми, билмай, аммо шу нарсани бизнинг хизматимиз зиммасига жуда катта масъулият юклайди. Ҳозирда иккита марказлашган қўриқлаш пультимиз ишлаб турибди. 139 халқ хўжалиги объектини қўриқламоқдамиз. Бешта милиция йўналишимиз бор.

— Натижалар қандай?

— Назаримда ёмон эмас. Тўққиз ойлик якунлари бўйича вилоят қўриқлаш бўлинмалари ичида биринчи ўринни эгалладик. Шу давр ичида ходимларимиз 139 нафар майда талончини ушлаб, улардан 291 минг 182 сўмлик моддий-товар бойликларини олишиб, давлатга қайтаришди. Шунингдек, ўтган давр мобайнида йигитларимиз томонидан 2969 нафар шахс маъмурий ҳуқуқбузарлиги учун қўлга олинди.

— Қўлга олинган майда талончиларнинг кейинги аҳвали нима кечади? Бирор бир аниқ чоралар кўрилаяптими, демоқчиман.

— Албатта, улар халқ судлари томонидан маъмурий жавобгарликка тортиладилар. Агар ўша — 139 нафар ташмачи ҳақида гапирадиган бўлсак, уларга халқ суди томонидан 1056230 сўмлик жарима солинди.

— Сизлар қўриқлаётган объектларга ҳам жиноятчилар томонидан тажовузлар бўлиб турадими?

— Бўлиб туради. Ўтган даврда ходимларимиз халқ хўжалиги объектларида содир этилиши мумкин бўлган етти ўғирлиқнинг олдини олишди ва бунда 14 нафар жиноятчини тутишди. Аммо қўриқлаётган объектларимизда ҳали бирорта ҳам ўғирликка йўл қўйганимиз йўқ.

— Ишларингизга омад. ИСМОИЛ суҳбатлашди.

ҚУРИЛИШ ҚИЗҒИНИ



Қорақалпоғистон Республикаси Тўртқўл тумани ички ишлар бўлимининг янги маъмурий биноси, ходимлар учун 16 хонали турар жой биноси, қишки спорт зали ҳамда ёзги спорт майдончалари, хизмат машиналари учун қишки гараж, жанговар қуролдан ўқ отиб машқ қиладиган хона ва бошқа қулайликларни ўзига мужассамлаштирган комплексни қуриш ишлари жадал суръатлар билан олиб боришмоқда.

Ўтган йили бошланган бу қурилиш ишлари Тўртқўлдаги 306-МПК қурилиш ташкилоти томонидан амалга ошириляётган. Унга Тўртқўл тумани ҳокимияти ҳомийлик қилмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши бу қурилиш учун маблағ ажратди.

Тўртқўл тумани ИИБ бошлиғи, милиция подполковниги Амайтжон Исмоилов тез-тез қурувчилар ҳузурида бўлиб, муаммоли масалаларни ечишда яқиндан ёрдам бермоқда.

К.МАМБЕТЖОНОВ,
милиция майори.

Суратларда: қурилиш майдонида.

Саъдулла БОБО олган суратлар.



ФАН ЖИНОЯТЛАРНИ

ШУБХАЛАНИЛАЁТГАН кишининг айбсизлигини ва аксинча унинг жиноят содир этилишига дахлдорлигини исботлаш учун мукамал эксперт-криминалистика хизмати бўлиши талаб этилади. Республикада ана шу мақсадда Х. Сулаймонова номидаги суд экспертизаси бош илмий-услубий маркази ишлаб турибди. Унинг еттига вилоятда бўлимлари ҳам мавжуд. Институт — ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ихтиёрида бўлмаган муассаса бўлиб, у идораларни объектив, илмий нукта назардан асосли бўлган экспертиза ва тадқиқотлар билан таъминлайди. Ҳар йили бу ерда бир неча минг экспертиза ўтказилади, уларнинг ярмидан кўпи ички ишлар идораларининг буюртмасидир.

Институт директорининг ўринбосари Саттор Обидович Отахўжаев ажойиб моддий-техника базасига эга эканликлари ҳақида ифтихор билан сўзлайди. Бош институтни замонавий компьютер техникаси, электрон-ҳисоблаш машиналари билан жиҳозлаш масалаларига катта аҳамият берилмоқда, хориждан асбоблар сотиб олиш учун валюта ажратилмоқда. Масалан, яқиндагина Германия ва Нидерландиядан ноёб техника олинди. Қисқаси, бу муассаса техникавий имкониятлари бўйича Ҳамдўстликда Москвадан кейин иккинчи ўринда туради. Ҳозир бу ерда ҳатто суд-фоноскопик экспертизалар ўтказилмоқда. Овозларни идентификациялаш таъмағирлик, пора бериш каби жиноятларни очийда ердам бермоқда.

— Амалда экспертизанинг барча турларини бажара оламиз, — дейди С. Отахўжаев, — биз компьютерлар ердамида дастурий мажмуаларни ишлаб чиқдик, булар гоёта хилма-хил экспертизаларни тез ва объектив ўтказиш имконини беради. Яқинда экспертизанинг олтига янги турини рўёбга чиқаришга киришдик, илгари бунинг учун махсус ускуналар ва малакали мутахассислар йўқ эди. Энди уларга эга бўлдик.

Бозор иктисодиёти бизнинг соҳага ҳам кириб келди. Биз қишлоқ хўжалиги, хусусий ва юридик шахслар учун баъзи тадқиқотларни бажараямиз. Яқинда бизга тошкентлик бир фуқаро мурожаат қилди. У чўнтагида қолиб кетиб кир ювиш машинасига ташланган ва оқибатда ёзуви ўчиб кетган ҳужжатни тиклаб беришимизни илтимос қилди. Бизга асалари боқувчилар тез-тез мурожаат қилишиб, дала ҳовлиларнинг соҳиблари қандай гербицидлардан фойдаланишларини, асаларилар нима сабабдан нобуд бўлаётганини аниқлаб беришимизни сўрашади. Биз ҳал қилаётган масалалар хилма-хил, тадқиқотларимиз доираси эса жуда кенг. Ходимларимиз эса кўп эмас, лекин шундай бўлсада замонавий техника ердамида самарали иш олиб бораёмиз. Бизда юқори малакали, ўз ишининг билимдони бўлган

мутахассислар меҳнат қилишади.

Етакчи лабораториялардан бирида материаллар ва моддалар физик-техник усуллар ердамида тадқиқ қилинади. Бу ерда ўн икки хил суд экспертизаси амалга оширилади.

Лаборатория мудири Турғун Ҳусанович Исмоловдан лаборатория

тезкор ходимлар айна шундай асбобни топишди.

**СИФАТ ТАМҒАСИНИ
ТЕКШИР ВА ТИШНИ
ПАСТА БИЛАН ТОЗАЛА**
КЎЛИМДА бир-бирига ўхшаш икита иш. Бу ишларнинг

ТАДҚИҚ ҚИЛАДИ

ҳаётида юз берган бирор ғайриоддий воқеа ҳақида ҳикоя қилиб беришини сўрайман.

ЗАҲАР СОЛИНГАН ДЕЗОДОРАНТ

ТУРҒУН АКА менинг олдимга Ригада тайерланган оддий дезодорантни кўйди, бу нарсани қидириб юривчилар жуда кўп. Баллон ялтирок бўёғи ва ўзидан чиқараётган ёқимли ҳиди билан бошқа дезодорантлардан фарқ қилмасди.

— У нима билан тўлдирилганини биласизми? Нафасни қисиб, баданни кичиштирадиган захарли модда билан. Экспертларимиз унинг хлорацетифенон эканлигини аниқлаб беришди. У, албатта, кишини ўлдирмайди, лекин нафасни узок вақт қисади, кўз қобиғи ва нафас олиш йўлларига таъсир қилади.

Тергов идораларининг экспертизага юборган йўлнамаларини варақлайман. Ҳуқуқ бузишнинг қандай борганлиги аста-секин равшанлашди. Комил А. ва Ахрор К. олтинчи моделли “Жигули” ҳайдовчисига хужум қилганлар. Улардан бири баллонни олиб, захарловчи модда оқимини ҳайдовчининг юзига йўналтирган. Унинг нафаси қисилган, қўл-оёғи чангак бўлиб, ҳушидан кетган. “Жигули”нинг эгасини шу йўл билан ҳушдан кетказиб, уни четга суриб қўйишган ва машинани ҳайдаб кетганлар. ДАН постларидан бирида улар ушланган.

Лекин экспертлар жиноят қандай содир этилганлигини аниқлаш эмас, балки баллонга захарли модда қандай тушиб қолганини ҳам аниқлашлари керак эди.

Тергов жараёнида Ахрор К. нинг моҳир уста эканлиги аниқланди. У дезодорантлардан бўшаган баллонларни катта босимли газ билан тўлдириш учун махсус мослама ясаган. Жиноятчилар захарли моддани қандай йўллар билан топишгани ҳозир аниқланмоқда, шундай бўлсада хлорацетифенон бу ишда ҳал қилувчи роль ўйнаган ва жиноят техник воситалардан фойдаланилган ҳолда содир этилган. Бу иш билан тажрибали мутахассис Анвар Миноварович Мақсудов шугулланди. У лабораторияда кун-тун қолиб кетди ва ўз ҳулосасида ҳатто жиноятчилар фойдаланган асбобни тавсифлаб берди. Тинтув вақтида

муваффақиятли ҳал этилиши узук ва қоплама тишларда қанча олтин мавжудлиги аниқлаб берилганлигидир. Бу ишни эксперт В. Борисов олиб борди. Аслида, бунга кўп меҳнат сарфлаганим йўқ, деб изоҳ берди у. Спектрограф узукларда асл металллар борлигини жуда аниқ қилиб белгилаб берди ва “583” тамғаси қийшиқ, юзаки босилганини қайд этди, бу эса унинг қўлда ясалганидан яққол гувоҳлик берарди.

Воқеа қандай бўлган эди? Собир Х. оддий мисдан иккита никоҳ узуги ясаган. Уларга ярқиратиб сайқал берган ва бозорга олиб чиқиб хар бирини беш минг сўмдан сотган. Тилда буюмнинг нисбатан арзон сотилиши харидорни шубҳага солган. У милицияга мурожаат қилган, кўп ўтмай “моҳир заргар” жиноий жавобгарликка тортилди.

Тошкентлик Владимир С. стоматология поликлиникаларидан бирининг раҳбарларига шикоят билан мурожаат қилган. У қоплама тишлари қорайиб қолаётгани, бинобарин олтиндан эмаслиги хусусида айтган. Бунга жавобан поликлиника раҳбарияти ёзма равишда жавоб қайтарган: “Даъвоингизни олтин етказиб берувчиларга айтинг. Бизнинг тиш қўювчиларимизнинг айби йўқ”. Собир мижоз ўз фикрида қаттиқ турмаганида, бу воқеа шундай қолиб кетармиди. Владимир С. тиббий муассаса бошлиқларининг олдига ҳар куни шикоят билан келишни қанда қилмаган. У билан шундай суҳбат бўлиб ўтган:

— Қоплама тишларим икки ҳафтадан сўнг қорайиб қолди. Уларни сода билан тозалашга тўғри келди.

— Ҳар куни тишингизни неча марта тозалайсиз?

— Бир марта, эрталаб.

— Икки марта тозалаш керак — эрталаб ва кечқурун, сода эмас, пастандан фойдаланинг. Овқатдан сўнг оғзини чайинг.

Бундай муомаладан аччиқланган Владимир С. тергов идораларига мурожаат қилган. В. Борисов қоплама тишлар чиндан ҳам олтиндан ясалганини, лекин унинг таркибда доимий ҳамроҳ унсурлар — кумуш ва мис борлигини аниқлади. Қоплама тишлар таркибига лигирловчи металллар киришига тиш қўйиш амалеттида йўл қўйилади. Бинобарин, тишларни тез-тез ва фақат паста ердамида тозалаш лозим.

БАЖОВНИНГ РЕЦЕПТИ БЎЙИЧА

ИЖТИМОЙ-ҲОЙДАЛИ фаолият ўрнига жиноий фаолият билан шугулланувчи “моҳир ҳунармандлар”нинг ихтирочилиқ қобилияти кўпчиликини хайратга солишига яна бир ишонч ҳосил қилдим. Равқат Ш. қандайдир йўллар билан радиотехникада ишлатиладиган кумуш контактларнинг анча-мунчасини ундирган. Бироқ кумушни қандай қилиб сотиш мумкин? Уни ёмби қилиб қуйиш орқалигина. Лекин уйда бундай қилишнинг иложи йўқ, махсус ускуна ва эритиш печи зарур. Равқат

Қобил фарзанд ота-она фахри

Эътиборингизга ҳавола қилмоқчи бўлган жиноятни ешлар содир этишган. Бу ўсмирларнинг ота-оналари эл-юрт орасида ўзига яраша обрў-эътиборга эга эди. Бироқ ноқобил фарзандлар йиллар давомида орттирилган обрў-эътиборни бир кечада ер билан яксон қилдилар. Келинг, энди Сизни ана шу воқеа тафсилотлари билан таништириб, бироз мулоҳаза юритайлик.

1975 йилда тугилган Акмал Юсупов билан 1977 йилда тугилган Даврон Акбаров кечқурун кинодан қайтаётиб, қоронги кўчада қарама-қарши келаётган нотаниш кимсани кўриб қоладилар. У ёқ-бу ёққа қарашса, кўча кимсасиз. Нотаниш кишининг йўлини тўсиб, қўрқитиб, қўлидаги 750 сўмлик соати, 75 сўм турадиган магнитофон кассетасини тортиб олиб, гойиб бўладилар.

Жабрланувчи Б. Акрамов бу ҳақда Қирғули тумани ИИБга хабар қилади. Қидирув бошланди. Кўп ўтмай тунги талончилар қўлга олинди. Уларнинг устидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Мажмуасининг 126-моддаси 2-қисми билан жиноий иш қўзғатилди.

— Энг даҳшатлиси шундаки, — дейди Қирғули тумани ИИБ тергов бўлими бошлиғи муовини, милиция капитани Содикжон Мирзаев, — бўлиб ўтган воқеа ҳақида жиноятчиларнинг ота-оналарига хабар қилганимизда, улар бамайилхотир: “Шунга ҳам ота-гўри қозихонами? Битта соат билан магнитофон кассетасига шунчаликми?” деб биздан гина қилишди.

Қирғули туман халқ суди йўлтўсарларнинг бирини 3 йилга, иккинчисини 3 ярим йилга қесди. Икки еш суд залидан қамоққа олинди. Ойназорлар юраклари тилка-пора бўлиб кўзларида еш билан ўғилларини кузатиб қолдилар. Суд залидан чиқаётиб, чуқур ўйга чўмдим: бу икки ешни тўғри йўлга солиш мумкинми? Ҳа, албатта. Бироқ тарбиянинг бўшлиғи, назоратнинг йўқлиги туфайли бу ешлар бугун қора ишлари учун озодликдан маҳрум этилдилар. Агар уларнинг ота-оналари фарзандлари тарбияси ҳақида ўз вақтида қайғуриб, юриш-туришларидан огоҳ бўлиб турганларида эди, бугун эл-юрт олдига юзлари шувут бўлмасди. Улар қанча афсус-надомат чекишмасин, энди кеч.

Самияжон ҚОРАБОВ,
Фарғона вилояти ИИБ матбуот
гурӯҳи катта нозир, милиция
лейтенанти.

Ю. ЛИСОВ.

ҚОНУН ҲАММАГА БАРОБАР

универмагининг сотувчиси Х. Умаров харидордан 2200 сўм ортиқча ҳақ олган. Урганч шаҳрида буфет мудираси З. Саидметова харидордан 1780 сўм ортиқча олиб қолган.

Ш. Исмоилова Янгиариқ туманидаги “Машъал” универмагида сотувчи бўлиб ишлаб келиб, бир харидордан 1244 сўмни ортиқча олган. Б. Жуманиезов Ҳазорасп туманидаги магазинда ишлаб

келар эди, у яқинда харидорга болалар кийим-кечагини сотган вақтида нақд 6321 сўмни уриб қолган вақтида тумшугидан илинди.

Савдо шохобчаларида очик савдодан ноёб молларни яшириб қўйиш ҳоллари ҳам кўп учраб турибди. Масалан, Богот туманидаги 16-сонли магазинда мудира бўлиб ишлаб келаётган Р. Ҳайитбоева 87 минг 619 сўмлик молни очик савдодан яшириб

қўйган. К. Хўжаметов Гурлан туманидаги 25-сонли магазинда 109 минг 666 сўмлик саноат молларини яширган. С. Машарипова Ҳазорасп туманидаги 52-сонли магазинда бўлим мудираси бўлиб, у 118 минг 700 сўмлик молни панага яширган. Г. Қурбонниёзова бўлса Урганч туманидаги 51-сонли магазинда мудира бўлиб, у 178 минг 980 сўмлик “Халқобод” коньягини яшириб қўйган.

Халқ истеъмоли моллари савдосини яхшилаш, ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг сифатини таъминлаш энг долзарб вазифалардан бирига айланиб қолди. Бозор иктисодиётига ўтишдек мураккаб даврда маъмурий идоралар ходимлари ҳам бунга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Биргина сентябрь ойининг ўзида вилоят ички ишлар бошқармаси ИЖК бўлимининг ходимлари савдо соҳасида турли хил суиистеъмоликларни аниқладилар.

Хонқа туманидаги “Юбилей”

Қўшқўпир тумани, “Тошкент” қолхозидеги нон ёпиш цехида филиал мудир бўлиб ишлайдиган Б. Маҳмудов 10 тонна — жами 480 минг сўмлик урни четга сотиб юборганида ушланди.

Бу жиноятчилар қонун олдида жавоб берадилар. Чунки халқ орасида яшаб, уларнинг кўзига кимки чўп ташлар экан, ҳеч қачон унинг бири икки бўлган эмас. Қонун ҳаммага баробар.

Иброҳим ЮСУПОВ,
Хоразм вилояти ИИБ ИЖК бўлими
ходими, милиция майори.

ДУШАНБА

1 НОЯБРЬ
ЎЗТВ 1

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 Болалар учун "Совга". 18.25 "Ёшлик" студияси. "Истеъдод". 18.55 Ёшлар. 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 Ёшлар. 19.25 Олим Хўжаев номидаги Сирдарё вилояти театри артистлари Н. Ўринов ва Р. Юнусовлар концерти. 20.00 "Булутларга ендош охулар". Телефильм. 20.10 Оқшом эртаклири. 20.25 Ёшлар. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.00 "Театр: Шарқ — Гарб" халқаро фестивалининг якуни. 22.30 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. "Сўғдиена" (Жиззах) — "Навбахор" (Наманган). Жиззах шаҳридан езиб олинган. 24.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II

19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 "Билдирсой". Телефильм. 19.30 "Лахза". Хабарлар. 19.50 "Ассалому алайкум" (такрор). 20.50 "Билиб қўйган яхши". 21.10 "Лахза". Хабарлар. 21.30 "Қора шахзода". Бадий фильм.

"ОРБИТА IV"

5.55, 15.20, 18.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби. 6.00 "Якшанба". Ахборот-публицистик кўрсатуви. 6.45 "Тонг". 9.00 Янгилар. 9.20 "Тингланг, томоша қилинг...". 9.40 "Турмуш икки чирклар". Бадий телесериал премьераси. 22-серия. 10.10 Концерт. 10.45 "Мавзу". 11.30 "Тол". 12.00 Янгилар.

15.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 15.25 "Телемист". 16.10 "Муслик башорат". Кўп серияли телефильм премьераси. 16.40 Болалар телевидениеси уюшмаси. 17.20 "Иқболи кулганда". 18.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 18.30 "Хужжатлар ва тақдирлар". 18.35 "Тол". 19.10 "Хафтанинг акс садоси". 19.40 "Қойил". 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.55 Ёшлар. 21.00 Янгилар. 21.25 "Турмуш икки чирклар". Бадий телесериал премьераси. 22-серия. 21.55 "Спорт уик-энди". 22.10 "Янги студия" таништириди: "Матбуот-клуб". Танафус пайтида (24.00) — Янгилар.

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.30 Ишбилармон кишилар даври. 9.00 Россияда бизнес. 9.30 "Ярмарка, ярмарка...". 10.00 Тонгги концерт. 10.15 Киноафсоналар. "Генри Фонда". 11.15 "Музыка йирик планда". А. Шнитке мусикаси янграйди. 11.45 Хонаки экран. "Кўз боғлагич". Бадий фильм. 13.05 "Рязань совчиликлар". 13.35 "Телегазета". 13.40 "Дехқонларга тааллуқли масала". 14.00 Киноқиссалар. "Фирогий — бахдан айрилган демек". Бадий фильм. 1-серия. 15.05 "Томельга рус романсини излаб". 15.35 Мульти-пульт. 15.45 "Бола тилидан". 16.15 Болалар учун янгилар. 16.30 "Трансросэфир". 17.15 Театр сафари. "Табима": бугун ва кеча.

*

18.00 — 20.20

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.20 Душанба куни детектив. "Лаки страйк" таништириди. "Рақобатчилар жанги". Бадий фильм. "Криминал ҳодисалар" туркумидан. 21.15 "Хроно". Авто ва мотоспорт оламида. 21.45 Катталар учун мультфильм.

*

22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

*

22.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 22.30 "Ҳақиқат онлари". 23.25 "Репортер".

СЕШАНБА

2 НОЯБРЬ
ЎЗТВ I

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". 6.40 "Соғлом бўлай десангиз...". 7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.30 "Қушиқ рақса уланса...". 7.50 "Булутли йўлларда сайр". Мультфильм. 8.00 Мутахассис маслаҳати. 8.10 "Кувнок болалар". 8.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 8.50 "Соғлом бўлай десангиз...".

ЗАНГОРИ
ЭКРАНДА

9.00 "Бу разведкада бўлган эди". Бадий фильм. 10.30 Ўқув кўрсатуви. География. Транспорт ва иқтисодий алоқалар. 11.00 "Ёшлик" студияси. "Учрашув". 11.20 "Оддий кун". Телефильм. 11.30 Ўқув кўрсатуви. Зоология.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 Болалар учун "Биргаликда кўлайимиз". 18.40 "Обуна-94". 18.55 Ёшлар. 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 Ёшлар. 19.25 Дунё воқеалари. 19.35 Лирик концерт. 20.10 Оқшом эртаклири. 20.25 Ёшлар. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.00 Ислохот ҳақида суҳбатлар. 21.10 "Хотира". Мақсуд Шайхзода. 22.00 "Челюскинчилар". Бадий фильм. 1-серия. 23.05 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II

19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 "Уолт Дисней таништириди...". Мультфильмлар тўплами. 20.10 "Муслик меймонхона". 20.50 Дам олиш соатларида. "ОМАН" таништириди. 21.10 Ёшлар. "Кинонигоҳ".

"ОРБИТА IV"

5.55, 15.20, 18.20, 21.20, 00.35 — Кўрсатувлар тартиби. 6.00 Янгилар. 6.35 Эрталабки гимнастика. 6.45 "Тонг". 9.00 Янгилар. 9.20 "Кувнок нотачалар". 9.40 Мультфильм. 9.55 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 10.45 "Инсон ва қонун". 11.15 "Хусан Ахметовнинг нурафшон тароналари". Телефильм премьераси (УФА). 11.50 "Матбуот-экспресс". 12.00 Янгилар. Кундузги киноэкспресс
12.20 Болалар учун фильм. "Милтиллаб ёнган гулханлар". 1-серия. 13.25 Мультфильмлар. 13.50 "Бегона шаҳардаги ёмғир". Телевизион бадий фильм. 1-серия.

*

15.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 15.25 "Ишбилармон кишилар хабарномаси". 15.40 "Конверсия ва бозор". 16.10 "Ён дафтар". 16.15 "Иш". 16.25 "Тедди Ракспиннинг саргузаштлари". Кўп серияли мультфильм премьераси. 16.50 "Скорохи" фольклор ансамблининг чиқиши (Прокопьевск). 17.05 "Стартинейджер". 17.50 "Технодром". 18.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 18.25 "Россия сайловининг акс садоси". 18.45 "Хужжатлар ва тақдирлар". 18.55 "Муқдор алифбоси". 19.05 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 19.55 "Мавзу". 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.55 Ёшлар. 21.00 Янгилар. 21.25 КТВ-1 ҳамда "Франс интернациональ" канали таништириди. "Казимир". Бадий фильм (Франция). 22.55 "Матбуот-экспресс". 23.05 Магомаев хузурида меҳмонда. 24.00 Янгилар. 00.40 "Оқо" студияси таништириди: Телефильмларнинг Россия очик фестивали. 01.20 Бадминтон. Гран-прининг жаҳон серияси.

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.30 Ишбилармон кишилар даври. 9.00 "Ҳақиқат онлари".

12.00 Хонаки экран. "Қотилликдан кейинги етти кун". Бадий фильм. 13.30 Мульти-пульт. 13.40 "Дехқонларга тааллуқли масала". 14.00 Киноқиссалар. "Фирогий — бахдан айрилган демек". Бадий фильм. 2-серия. 15.10 Хужжатли фильм. 15.40 "Рус ижозатномаси". 16.10 "М-трест". 16.25 Болалар учун янгилар. 16.40 "Рост" студияси. "Раҳмат сизга устозлар". 17.10 "Трансросэфир".

18.00 — 20.20

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.20 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм премьераси. 238-серия. 21.10 "Динозаврга айланмайлик". 21.25 "Ишнинг кўзини билган одам".

*

22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

*

22.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 22.15 "Мўмин-қобил йўлбошчилар". 22.55 "Сизга тиламан...". Ю. Гуляевни хотирлаб. 23.25 "Санкт-Петербург мусикаси".

ЧОРШАНБА

3 НОЯБРЬ
ЎЗТВ I

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". 6.40 "Соғлом бўлай десангиз...". 7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.30 Дунё ва танбур тароналари. 7.50 "Қуёшда пишган нон". Мультфильм. 8.00 Дунё воқеалари. 8.10 "Билиб қўйган яхши". 8.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 8.50 "Соғлом бўлай десангиз...".

*

9.00 Республика газеталарининг шарҳи. 9.10 "Содик дўстим Санчо". Бадий фильм. 10.30 Ўқув кўрсатуви. Умумий биология. Органик олам эволюциясининг асосий йўналишлари. 11.00 "Ўзбекистон спорти". 11.30 Ўқув кўрсатуви. Ўзбек адабиети. Чўлпон. "Кеча ва кундуз" романи. 12.00 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиларлари. (АҚШ).

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 Болалар учун. "Сеҳрли оҳанглар". 18.40 "Сўзана ва чинни буюмлар". Телефильм. 18.55 Ёшлар. 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 Ёшлар. 19.25 Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 50 йиллиги. "Тадқиқот ва ҳамкорлик". 20.00 "Истиклол рамзи". "Ўзбектеlevision" премьераси. 20.10 Оқшом эртаклири. 20.25 Ёшлар. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.00 "Хорманг пахтакорлар!". Пахтакорлар учун кўрсатув ва концерт. 22.00 "Челюскинчилар". Бадий фильм. 2-серия. 23.05 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II

19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 "Кувнок жилалар". 20.00 "Спринг". 20.25 "02" тўлкинида. 20.45 "Довулдан ҳам кучли". Бадий фильм.

"ОРБИТА IV"

6.00 Янгилар. 6.35 Эрталабки гимнастика. 6.45 "Тонг". 9.00 Янгилар. 9.20 "Ҳакка". Болалар ахборот кўрсатуви. 9.40 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 10.30 "Савдо кўприги". 11.00 "Навбатдаги қадамни қўйиш учун...". Илмий-оммабоп фильм премьераси ("Центрнаучфильм"). 11.20 Воронеж Далат рус халқ хорининг концерти. 11.50 "Матбуот-экспресс". 12.00 Янгилар.

Кундузги киноэкспресс

12.20 Болалар учун фильм. "Милтиллаб ёнган гулханлар". 2-серия. 13.25 Мультфильмлар. 13.55 "Бегона шаҳардаги ёмғир". Телевизион бадий фильм. 2-серия.

*

15.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 15.20, 18.20, 21.20, 00.35 — Кўрсатувлар тартиби. 15.25 "Телемист". 16.10 "Ён дафтар". 16.15 "Тедди Ракспиннинг саргузаштлари". Кўп серияли мультфильм премьераси. 16.40 "Музограф". 17.00 "Қизлар ўртасидаги сир". 17.20 "700 клуби". 17.50 "Технодром". 18.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 18.25 Эфирда — Давлатлараро "Мир" телерадиокомпанияси. "Ассалому алайкум, бу мен". 18.50 "Хужжатлар ва

тақдирлар". 19.00 "Оддий Мария". Кўп серияли бадий фильм премьераси. 19.50 "Миниатюра". 20.00 "Аср сирлари". 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.55 Ёшлар. 21.00 Янгилар. 21.25 Петров хибони ҳақида хотира. 22.10 "Матбуот-экспресс". 22.20 В. Молчановнинг муаллифлик кўрсатуви. 24.00 Янгилар. 00.40 "Катта сайр". 01.20 "MTV".

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.30 Ишбилармон кишилар даври. 9.00 "Мўмин-қобил йўлбошчилар". 9.30 "Параллеллар". 9.45 Христианлар учун кўрсатув. 10.15 Санъат майдони. "П. И. Чайковский: хатлар ва мусика". 11.00 Киноафсоналар. "Третта Гарбо". 12.00 Мульти-пульт. 12.25 Хонаки экран. "Тунох". Бадий фильм. 13.45 "Дехқонларга тааллуқли масала". 14.10 "Пилигрим". Россия саёҳатлар бюроси. 14.55 "Телегазета". 15.00 "Бизнес: янги номлар". 15.15 "Трансросэфир". 16.00 "Услуб". 16.30 Болалар учун янгилар. 16.45 "Рост" студияси. "Раҳмат сизга, устозлар". 17.15 "L-клуб".

18.00 — 19.15

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.15 Футбол. УЕФА кубоги. 1/16 финал. "Днепр" (Украина) — "Айнтрахт" (Германия). — Днепрпетровскдан олиб кўрсатилади. Танафус пайтида — (Мульти-пульт). 21.05 "Россияни қандай эпақага келтириш мумкин?". 21.30 "Дўнганча тўй". Телефильм. 21.50 "Юлдузлар билан суҳбатда". 21.55 Футбол. Европа чемпионларининг кубоги. "Спартак" (Россия) — "Лех" (Польша). "Лужники" стадионидан олиб кўрсатилади. 23.40 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм премьераси. 239-серия. 00.30 Катталар учун мультфильм. 00.40 Криминал ҳодисалар экрани.

ПАЙШАНБА

4 НОЯБРЬ
ЎЗТВ I

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". 6.40 "Соғлом бўлай десангиз...". 7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.30 "Дилдан янграб қўшиқлар". 7.50 "Карнайчўп". Мультфильм. 8.00 "Кувнок болалар". 8.20 "Нодир хагина". Телефильм. 8.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 8.50 "Соғлом бўлай десангиз...".

*

9.00 Матбуот-экспресс. 9.10 "Тренер". Бадий фильм. 10.30 "Ёшлик" студияси. "Тежамкорлик сирлари". 11.00 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиларлари (АҚШ).

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 "Хукукий давлат сари". 18.55 Ёшлар. 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 Ёшлар. 19.25 "Обуна-94". 19.40 Мумтоз кўйлардан концерт. 20.10 Оқшом эртаклири. 20.25 Ёшлар. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.00 Ислохот ҳақида суҳбатлар. 21.10 Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 50 йиллиги. "Илмий тафаккур маркази". "Ўзбектеlevision" премьераси. 21.40 Республика театрларининг телевизион фестивали. "Алла". Жиззах вилоят театрининг спектакли. 23.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II

19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 Болалар учун. "Табассум". 20.00 Шахрисабз. Телефильм. 20.15 "Тошкент оқшомлари".

"ОМАН" таништириди:

21.30 Ёшлар. "Кинонигоҳ".

"ОРБИТА IV"

5.55, 15.20, 18.20, 21.20, 00.35 — Кўрсатувлар тартиби. 6.00 Янгилар. 6.35 Эрталабки гимнастика. 6.45 "Тонг". 9.00 Янгилар. 9.20 Мультфильм. 9.50 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 10.40 Садовое кольцодаги саройда. 11.10 "Сеҳрли микрофон". 11.50 "Матбуот-экспресс". 12.00 Янгилар.

Кундузги киноэкспресс

12.20 Болалар учун фильм. "Яшил орол сир". 13.30 Мультфильм. 13.40 "Қумликдаги уй". Телевизион бадий фильм.

*

15.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 15.25 "Телемист". 16.10 "Ён дафтар". 16.15 "Тедди Ракспиннинг саргузаштлари". Кўп серияли мультфильм премьераси. 16.45 "Джэм". 17.15 "... 16 ёшгача ва ундан катталар". 18.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 18.25 "Мен сизга қўшиқ кўйлаб берман". Алексей Ивашченко ва Георгий Васильев. 19.00 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 19.50 "Театр майдони". 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.55 Ёшлар. 21.00 Янгилар. 21.25 "Твин Пикс". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 1-серия (АҚШ). 23.05 "Матбуот-экспресс". 23.15 "Бумеранг". 23.45 Катталар учун мультфильм. 24.00 Янгилар. 00.40 "Рок-н-ролл ТВ".

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.30 Ишбилармон кишилар даври. 9.00 "Кетдик". 9.10 Тонгги концерт. 9.25 "Сўнган юлдузми?". 9.55 Юлдузлар егилганда. "Александр Баркин. Эстрадада 20 йил". 10.55 "К-2" таништириди. "Олтин бургут". 11.50 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм. 238 ва 239-сериялар. 13.35 "Дехқонларга тааллуқли масала". 13.55 "Дунё аёллари". Кўп серияли хужжатли фильм премьераси. 2-серия. (АҚШ). 14.20 "Қутқариш хизмати 911". 15.15 "Терминал". 15.45 Мульти-пульт. 16.25 Болалар учун янгилар. 16.40 "Рост" студияси. "Яшил мактаб". 17.10 "Трансросэфир".

*

18.00 — 20.35

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.05 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм премьераси. 240-серия. 20.55 "Осойишта уй".

22.00 Туркия телевидениеси.

Хабарлар.

*

22.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 22.25 Криминал ҳодисалар экрани. 22.35 "Осойишта уй". 23.35 Санъат майдони. "П. И. Чайковский: хатлар ва мусика".

ЖУМА

5 НОЯБРЬ
ЎЗТВ I

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". 6.40 "Соғлом бўлай десангиз...". 7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.30 "Жон Ўзбекистон". Концерт. 7.50 "Хазина". Мультфильм. 8.00 Мутахассис маслаҳати. 8.10 "Қимиз". Телефильм. 8.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 8.50 "Соғлом бўлай десангиз...".

*

9.00 "Тақдири азал". Бадий фильм. 10.05 "Футбол майдонларида". 10.35 "Ёшлик" студияси. "Талабалик йилларим". 11.05 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиларлари (АҚШ).

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 Болалар меҳмонхонаси. 18.40 "Обуна-94". 18.55 Ёшлар. 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 Ёшлар. 19.25 "Яхшилар етсин муродга". Ўзбекистон халқ артисти Камолиддин Раҳимов билан муслик мулоқот. 20.00 Дунё воқеалари. 20.10 Оқшом эртаклири. 20.25 Ёшлар. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.00 "Ўзбекистон — катта имкониятлар мамлакати". 21.30 "Оталар сўзи — ақлнинг кўзи". 22.40 "Ажойиб ҳаёлпараст". Бадий фильм. 23.55 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II

19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 "Сурхон". Телефильм. 19.30 "Қизикарли учрашувлар". 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.00 "Марҳум хотираси". "Шўр пешоналар". Қиска метражи бадий фильмлар.

"ОРБИТА IV"

5.55, 15.20, 21.20, 00.35 — Кўрсатувлар тартиби. 6.00 Янгилар. 6.35 Эрталабки гимнастика. 6.45 "Тонг". 9.00 Янгилар. 9.20 Болалар учун фильм. "Мармар уй". 10.40 И. С. Бах. "Ре-минор". Икки скрипка билан оркестр учун концерт. 11.00 "Саёҳатчилар клуби" (сурдо

таржимаси билан). 11.50 "Матбуот-экспресс". 12.00 Янгилар. 12.20 Болалар учун. "Емеля ҳақида эртақ". Давлат кўғирчоқ Катта театри фильм спектаклининг премьераси (Санкт-Петербург). 13.20 Мультифильмлар. 13.45 "50х50". Телетомошаси.

15.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 15.25 "Бридж". 15.50 "Бизнес-класс". 16.05 Эртақ ҳузурида меҳмонда. "Узун сочли гўзал Варвара". Бадий фильм. 17.40 Опа-сингил Литвиненколар куйлайди. Краснодардан кўрсатилади. 18.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 18.20 "Россия сайловнинг акс садо". 18.45 "Инсон ва қонун". 19.15 "Вагон-03". 19.45 "Муъжизалар майдони". 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.55 Эълонлар. 21.00 Янгилар. 21.25 "Хафтанинг машхур киши". 21.40 "Твин Пикс". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 2-серия. 22.35 "Матбуот-экспресс". 22.45 "Иллюзиялар канали. Қизил майдон". 23.45 Ф. Куперен асарларини А. Майкапар ижро этади (клавесин). 24.00 Янгилар.

"ВИД" таништилади: 00.40 "Музобоз". 01.25 "Сиёсий бюро". 01.55 Авто-шоу. 02.25 "Х" программаси. 02.50 "Обоз" майдончаси.

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.30 Ишбилармон кишилар даври. 9.00 "Кетдик". 9.10 "Параллеллар". 9.25 "Осойишта уй". 10.20 "Биз томонларда". 10.55 "Хайвонот оламида". 11.55 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм. 240-серия. 12.45 "Ностальжи" — барча авлодлар мусиқаси. 13.15 "Услуга". 13.45 "Дехқонларга таалуқли масала". 14.10 "Танаффус". В. Леонтьев куйлайди. 14.20 "Едимиздаги ва биз севган одамлар ҳақида". Михаил Болдуман. 15.05 "Қўхна эртақ сири". Рязань Давлат кўғирчоқ театрининг спектакли. 15.45 Жума кунлари Дисней. "Флоридада Дисней студиясининг очилиши". 2-серия. 16.35 Болалар учун янгилар. 16.50 "Ўз манзили". 17.20 "Телегазета". 17.25 "Трансроссэфир".

*

18.00—20.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.00 "Уинстон Черчилль—чўккага йўл". Кўп серияли бадий фильм премьераси. 6-серия. 21.00 "К-2" таништилади. "Бизникиларни билиб қўй".

*

22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

*

22.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 22.25 "Мутлақо махфий". 23.20 "Рок-н-ролл афсоналари". 00.20 "Экзотика".

ШАНБА

6 НОЯБРЬ

ЎЗТВ I

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". 6.40 "Соғлом бўлай десангиз...". 7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.30 Субҳидам наволари. 7.50 "Нодон сичкон ҳақида эртақ". Мультифильм. 8.00 Дунё воқеалари. 8.10 Шифокор маслаҳати. 8.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 8.50 "Соғлом бўлай десангиз...".

*

9.00 Республика газеталарининг шарҳи. 9.10 "Соҳибжамол Ойсулов ҳақида ривоят". Бадий фильм. 10.20 "Ёшлик" студияси. Меҳнатинг — элга манзур. 10.50 Хинд тили. 11.20 "Тадбиркор фермерлар". 11.45 "Оналар мактаби". 12.15 Болалар учун. "Чаман қизлари". 12.50 Француз тили. 13.20 "Илҳом дақиқалари".

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Ансамбль". Телефильм. 18.20 "Ғазалхон ешлигим". 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 Телефильм. 19.40 Дам олиш концерти. 20.15 Оқшом эртақлари. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.00 "Булоқлар кўз очганда". Хоразм вилоятдан кўрсатув. 21.40 Футбол. Ўзбекистон кубоги. Ярим финал. "Навбахор" (Наманган) — "Нефтичи" (Фарғона). Наманган шаҳридан ёзиб олинган. 23.10 "Тунги егду". Дам олиш кинопрограммаси.

ЎЗ ТВ II

19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 "Рақслар, рақслар...".

20.10 "Нарзанлар водийси". Телефильм. 20.30 "Ўзбекистон ахбороти. 21.00 "Сўнги пушаймон". Бадий фильм.

"ОРБИТА IV"

6.45, 8.30, 15.20, 21.20, 01.00 — Кўрсатувлар тартиби. 6.50 Эрталабки гимнастика. 7.00 "Матбуот-экспресс". 7.10 Ишбилармон кишининг шанба тонги. 7.55 Янгилар. 8.35 "Қимор". 9.05 "Марафон-15" — кичкинтойларга. 9.30 Эфирда — Давлатлараро "Мир" телерадиокомпанияси. "Умид" видеоканали. 10.55 "Ақлли болалар ва ақли қизлар". 11.35 "Эпкин ёзув" ёки Дания киролиги ҳақида эртақлар". 2-қисм. 12.10 "Хаёлпараст қиз". Телеспектакль премьераси. 13.10 "Тиббиёт ҳамма учун". 13.40 "Ихтилоф". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 1-серия ("Мосфильм" Бельгия. Буюк Британия, Германия, Польша, Швейцария телеташкилотлари ҳамда кинофирмалари кўмағида суратга олган). 15.00 Янгилар. 15.25 "Ультра-си". Спорт кўрсатуви. 16.05 "Қизил квадрат". 16.45 "Исмингиз маъноси нимани англатади?". 18.00 Футбол бўйича чемпионлар лигасининг қўрға ташлаши. 18.30 "Хайвонот оламида". 19.10 "Оба-на". 19.40 "Коламбия пикчерс" таништилади: "Стингрей". Кўпсерияли телевизион бадий фильм премьераси. 3-серия. 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.55 Эълонлар. 21.00 Янгилар. 21.25 "Коламбия пикчерс" таништилади. "Дженининг уруши". Тўрт серияли телевизион бадий фильм премьераси 4-серия. 22.20 "Резонанс" студияси таништилади. 22.40 "Даврани кенгрок олинг!". 00.25 Янгилар.

"СНО-ВИДЕНИЕ" тунги канали

01.05 "Пахлавон отряди". 01.25 "Автоэкспресс". 01.40 Тунги спорт. 01.55 Тунги хит. 02.55 "Фақат ҳақиқат". 03.20 "Стоп-кадр". 03.25 "Матбуот-экспресс".

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.25 "730-формула". 8.55 "Сиз яратган боғ". 9.25 "Рост" студияси. "Якунлар". "Бизнинг "Аралаш". 9.55 "Изабель". Дам олиш винторинаси. 10.40 "Мусликий коллекция". 11.10 Кундузи сеанс. "Най учун ёзилган қўхна куйлар". Бадий фильм. 1 ва 2-сериялар.

*

13.25—17.00

"ЎЗБЕКИСТОН"

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ

13.25 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар". 13.35 "Ўзбекистон келажига бир назар". 13.55 "Авлодлар". 14.40 "Муҳаббат ва садоқат билан". Мусаввир Рўзи Чориев. 15.25 "Мозийдан егдулар". 16.10 "Чинсэн" (корейс тилида). 16.45 "Бу ажиб дунё".

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

17.00 "Чегарасиз футбол". 17.55 Спорт кўрсатуви.

*

18.00—19.50

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.50 "Евразия-ТВ" таништилади: "Ленин... Поезд". Бадий фильм. 1-серия. Режиссер Д. Дамиани. 21.45 "Намуна нусхаси".

*

22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

*

22.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 22.25 "Ксюша ҳузурида". 22.55 "Ўзгалар ичида ўзимизнинг одам". Бадий фильм. 00.30 "Таниш қиёфалар". Мусликий дам олиш танлови. 01.00 "К-2" таништилади. "Америка юлдузлари".

ЯҚШАНБА

7 НОЯБРЬ

ЎЗТВ I

7.00 "Ассалому алайкум".

*

8.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 8.30 "Маҳобҳорат". Кўп қисмли телевизион бадий видеофильм (Хиндистон). 39—40-сериялар. 10.00 Ўзбек тилини ўрганамиз. 10.30 "Ёшлик" студияси. "Даврага кел, дугонажон". 11.55 Д. Зокиров номидаги халқ чолғу оркестрининг концерти. Ўзбекистон композиторларининг асарлари. 12.30 "Тилга эътибор". 13.00 "Тул дарди". Шоира Нилуфар. 13.50 Турк тили.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Умид учкунлари". 18.45 "Ойна жаҳонда". 19.00 "Хафтаном" (рус тилида). 19.30 "Афсоналар ороли". Телефильм. 19.40 "Буюк мунажжим". Мирзо Улугбек таваллудининг 600 йиллиги олдидан. 20.30 "Хафтаном". 21.10 "Хорманг, пахтакорлар!". Пахтакорлар учун кўрсатув ва концерт. 22.10 "Кулги кечаси". Ҳожибой Тожибоев. 23.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗ ТВ II

"ОМАД" таништилади:

17.00 "Мультифейерверк". 17.30 "Курьер". 17.40 "Мусликий йўлка". 17.55 "Хар соҳадан бир шингил". 18.05 Болалар учун. "Совға". 18.30 "Салом, ёшлар!". 18.50 "Даракчи". 19.00 "4/8". Мусликий кўрсатув. 19.15 Эълонлар. 19.20 "Видео-0". 21.20 "Курьер". 21.30 "Мусликий йўлка". 22.00 "Даракчи". 22.10 "Шарк дурдоналари". 22.40 Эълонлар. 22.45 "Видео-0".

"ОРБИТА IV"

6.40, 8.30, 19.00 — Кўрсатувлар тартиби. 6.45 Эрталабки гимнастика. 6.55 "Авто-шоу". 7.25 "Муҳобада ерлиги". 7.55 Янгилар. 8.35 Мультифильм. 8.50 "Эрта саҳарлаб". 9.20 "Марказ". 9.50 "Хамма уйдалигиди". 10.20 "Спортлото" тиражи. 10.35 "Тонг юлдузи". 11.25 Резонанс студияси таништилади. 11.40 "Лидия Русланова". Телефильм премьераси. 1-серия (Санкт-Петербург). 12.45 "Ихтилоф". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 2-серия. 13.40 П. И. Чайковский хотираси. Россия Давлат академик Большой театрида концерт. 14.45 Янгилар. 15.00 "Саёхатчилар клуби". 15.50 Хоккей. XXII чемпионати. МАСК — "Динамо". 2 ва 3-давлар. МАСК Спорт саройидан олиб кўрсатилади. 17.20 "Биз". Владимир Познернинг муаллифлик кўрсатуви. 18.05 "Панорама". Хафталик халқаро кўрсатув. 18.45 Янгилар. 19.05 "Хунарли хор бўлмайди". 19.10 Мультифильмлар премьераси: "Каспер ва унинг дўстлари", "Ҳақиқий ажина оловчилар". 20.05 "КВН-93". Санкт-Петербург иқтисодий ва молия университети ҳамда "Дрим-Тим" командаларининг учрашуви (Донецк, Екатеринбург). 21.55 Эълонлар. 22.00 "Якшанба". Ахборот-публицистик кўрсатуви. 22.45 "Серпантин". 23.45 Халқ оҳанглари. 24.00 Янгилар. 00.15 Бокс бўйича профессионаллар ўртасида жаҳон чемпиони номзодлиги учун матчреванш. Оғир вазн. Риддик Боун — Эвандер Холифилд. АҚШдан кўрсатилади. 01.15 Охирги киносеанс. "Хат ёзишмаслик шарти билан ўн йил". Бадий фильм.

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.25 Хайрли тонг! "Чемпионлар учун нонушта". 8.55 "Калит" кўрсатуви. "Шоҳона сафар". 4-қисм. 9.25 "Қимга қўшиқ ҳамроҳ бўлса". Хужжатли фильм. 9.50 "Рост" студияси. "Қнопкаларни бос!". "Қимга янгиси". 10.20 Тилла шпора.

*

10.50—15.10

"ЎЗБЕКИСТОН"

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ

10.50 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар". 11.00 "Ўзбекистон — қадрдон уйимиз". Видеофильм премьераси. 11.50 "Ўзбекистон жаҳонга юз тутмоқда". "Театр: Шарк-Ғарб" халқаро фестивали ҳақида. 12.35 "Умид" (уйғур тилида). 13.05 "Америка. Ўтмишга ва келажакка назар". 13.35 "Ўзбекистон: ҳамкорлик йўллари". Ўзбек ва япон сейсмологларининг илмий излашулари. 14.05 "Ренессанс Шарқда". 14.55 "Бу ажиб дунё".

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

15.10 Телеэкранда премьераси. "Сочи шаҳрида қора тунлар". Бадий фильм. 17.15 "Оққара". 18.20 Спорт кўрсатуви. 18.30 Диснейнинг сеҳрли олами. "Винни Пухнинг янги саргузаштлари". "Қора плашч". 19.20 "Хар бир кун байрам". 19.30 "Бола тилидан". 20.00 "Евразия-ТВ" таништилади: "Ленин... Поезд". Бадий фильм. 2-серия.

*

22.00—24.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

"Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз" дастуридан).

БУКРИНИ НИМА ТУЗАТАДИ?...

Юсуф ота-онасидан жуда еш етим қолгач, ҳаётида дарбадарлик бошланди. Қариндошлари ҳам етим болани ўз бағирларига олишмади. Қаровсиз бола мактабга ҳам бормай қўйди. Кўнгли нимани истаса шунини қилиб юраверди. Ниҳоят етимни болалар уйи ўз бағрига олди. Болалар уйида Юсуф ҳеч нарсадан камчиликсиз яшаса-да, аллақачон ўзига ўғирлик касбини танаб бўлган эди. Болалар уйи тарбиячиларининг тинимсиз меҳнатлари, қанчадан-қанча панду насиҳатлари уни бу йўлдан қайтара олмади. Шундан сўнг милиция уни болалар ахлоқ тузатиш колониясига жўнатишга мажбур бўлди. Бироқ у ердан қайтиб келиб ҳам фойдали меҳнат билан шугулланимай, яна эски хунари — ўғирликни давом эттирди. Бухородан Ёғдуювонга келиб велосипед ўғирлади. Велосипедни сотиб, пули тамом бўлгач, яна ўлга излашга тушди. Бу гал у Бухоро маданият ва истироҳат боғида полвонлар чиқишини томоша қилаётган фуқаро Т.Назаровнинг чўнтагидан 1450 сўмлик замини шилаётганда қўлга тушиб, олти йилга озодликдан маҳрум этилди.

Яъни, у навқирон, билаги кучга тўлган ешида тўғри йўл тутмаганлиги, ҳалол меҳнат қилмаганлиги учун ҳаётнинг завқу шавқидан, лаззатларидан, ўзига муносиб қизни севиш, оила қуриш, фарзанд кўриш бахтидан жудо бўлди. Навқирон ешида суднинг қора курсисидан ўтириб, "ўғри" деган тавқи лаънатни бўйнига илиб олди.

Ана шу 18 ешида олган "ўғри" номи 56 ешга кирган бўлса ҳам доимо унга ҳамроҳ бўлиб келмоқда. Чунки шу йиллар ичида Юсуф ўз севишли касбидан қутула олмади. Кейинги ҳаёти фақатгина турмаларда, тўрт девор ўртасида ўтмоқда. Юсуф саккиз марта суднинг қора курсисидан ўтирди. 56 ешининг 31 йили қамоқда кечди. Тўртинчи марта судланишидан

кейинги жазоларни қаттиқ ва махсус режим ўрнатилган ахлоқ тузатиш-меҳнат колонияларида ўтади. 1975 йилда эса Қогон шаҳар суди бир неча марта судланганлиги ва яна жиноят содир этгани учун уни 5 йил озодликдан маҳрум этиб, "ўта хавфли рецидивист" деб ҳукм чиқарди. Бироқ қайта-қайта жазолар унинг ахлоқини, ҳаёт йўлини ўзгартира олмади.

1991 йили озодликка чиққач, милиция ходимларининг ердами билан Бухоро пилани қайта ишлаш фабрикасига созловчи бўлиб ишга кирганди. Бу ерда ҳам у ёлчитиб меҳнат қилмади, "қадрдон" хунарини қўмсаб қолди. Шу йилнинг июнь ойида яна жиноятга қўл урди. У одамлар кўпчилигидан фойдаланиб, адабустга чиқаётган фуқаро А.Саидовнинг 260 сўм пулини ўғирлаб чўнтагига солаётган пайтда Бухоро вилояти ички ишлар бошқармаси жиноят-қидирув бўлими тезкор ходимлари томонидан ушланди. Бу галги содир этилган жиноят унинг учун янада қимматга тушди. Тўқимачилик тумани суди Юсуф Давроновни мукаддам етти марта судланганлигини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят мажмуасининг 125-моддаси, 4-қисми билан айбдор деб топиб, 10 йил озодликдан маҳрум этди, мол-мулки давлат фойдасига мусодара қилинди. Чунки меҳнат қилиб кун кўриш унинг учун мутлақо бегона, йиллар давомида бировларнинг меҳнати эвазига яшаш қон-қонига сингиб кетган эди.

Хайрон қоласан киши, баъзилар нима учун кўра била туриб ўзларини қамоққа уришаркин-а?

Ф.ХОЛОВ,

Бухоро шаҳри Тўқимачилик

тумани судьяси,

Ш.Қўлдошев,

Бухоро вилояти ИИБ матбуот

гуруҳи ходими,

милиция майори.

ШЕРИКЛАР

Магрупп Имомов илгари ўғирлик қилиб судланганлигига қарамасдан ўзига тегишли хулоса чиқариб олмади. Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас, деганларидек у фуқароларнинг шахсий мулкларини ўғирлашни давом эттирарверди.

Магрупп ўтган йилнинг ноябрь ойи охирида шериги Абдурашид билан Зангиота тумани Назарбек жамоа хўжалиги, Коминтерн кўчасида жойлашган Б.Азимовнинг уйида ҳеч ким йўқлигини билиб, у ерга дераза орқали киришиб, у ердан давлат нархлари 15 минг сўмдан турадиган газ плитаси ва "Орск" номли холодильникни ўмариб кетишади.

Улар ўлжаларни орадан бир неча кун ўтгач, С.Пернаев деган фуқарога 12 мингга сотишиб, тушган бойликни ўртада "арра" қилишади.

Магрупп Имомов ўз жиноий ҳаракатларини давом эттира бориб, ўтган йил ноябрь ойида иккинчи шериги Назир Тойлибоев билан тил бириктириб, Зангиота тумани, Назарбек қишлоқ совети ҳудудида жойлашган 7-ўрта мактабни мўлжаллашди. Улар мактаб омборхонаси эшигини бузиб киришиб, у ердан 780 сўмлик икки дона газ горелкасини олиб жуфтаникни ростладилар. Жиноятчилар ўлжаларини фуқаро Р.Ражабовга 2000 сўмга пуллайдилар.

Жиноятчиларнинг яна бири НазирТайлибоев шу йилнинг 18 февраль кунини соат тахминан йигирма бирларда шериги Бахтиёр Сарсенов билан тилашиб, Зангиота тумани, "Хасково" давлат хўжалиги, Коминтерн кўчаси, 17-уйда яшовчи П.Ахмедованинг уйига келишади. Хонадонда ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, уй эшигини бузиб ичкари киришиб, давлат нархи 750 сўм турадиган "Рекорд" номли телевизорни кўтариб, гумдон бўлишади. Шериклар ўлжани 30 мингга пуллашга ҳам улгуришади.

Бузоқнинг югургани сомонхонагача деганларидек, жиноятчилар ИИБ ходимлари томонидан қўлга олиниб, ўғирланган моллар ағаларига қайтарилди.

Зокиржон ШАРИФ ўғли.

ОТ ЎҒРИСИ УШЛАНДИ

3 сентябрь кунини кўчада иккита отни етаклаб кетаётган шахслар йўловчиларнинг эътиборини тортиди. Буни сезиб қолгач улар отларни катта кўчада қолдириб, қочиб кетишди. Милиция ходимларининг тезкор ҳаракатлари туфайли ўғирлардан бири кўп ўтмай ушланди. У Тошкент шаҳрида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган, 1969 йилда туғилган А.Ж. бўлиб чиқди. Ўғирланган отлар эгасига — "Итифок" жамоа хўжалигида яшовчи Бекмуродов ва Валиевларга қайтарилди.

БИР ЗУМГА КИРГАНДИ...

Шу йилнинг 7 сентябрь кунини Чирғатов қишлоғида яшовчи Н.Х. шахсий машинасини хонадонини олдида қолдириб, бир зумга уйига кириб чиқади. Шу қисқа муддатда номаълум шахс машина ичигада бир неча хужжатни ва баъзи буюмларни ўғирлаб кетишга улгуради. Милиция ходимлари суриштирувни тўғри ташкил этгани туфайли кўп ўтмай ўғри қўлга олинди. У А.Икромов туманида истиқомат қиладиган, 1960 йилда туғилган Х.А.экан. Тергов ишлари олиб борилаётир.

А. Даминов,

Зангиота тумани ИИБ бошлиғи муавини, милиция майори

Куюк тун бағрида машина илдам еларди. Унинг чироқлари олисдан ёнма-ён қўйилган икки шамнинг ўнсий милтиллашига ўхшарди. Февралнинг совуғи эмасми, машинага урилган чўл шамоли ёқимсиз, сичқоннинг бўғиқ чийиллашидай товуш берарди. Машина илдам елар, унинг чироғи нуридан тун куйдирилган қўлэзмадай титилиб борарди.

Орқа ўриндиқда ширакайф икки йигит ва ўрта ёшлардаги аёл ўтирар, совуқда қолгандан бир-бирларининг пинжига суқилиб олишган. Ўртада ўзини эркин ҳис қилиб кетаётган узун бўйли, гавдали Матлаб уйқудан чала тургандай ўхшовсиз эснади-да, ёнидаги аёлнинг елкаси оша қўл чўзди. Аёл тўрға тушган балиқдай заиф питирлаб, ўзини ҳимоя қилмоққа уринди.

— Жим! — буйруқ оҳангида гудранди Матлаб. — Ёқмаяптими?

Аёл тинчланди. Матлабнинг қўпол эркалашларидан ҳузурланаётгандай, такаллуфсиз илжайиб:

— Сизга бошқа ўйин қурибди-да, — сохта нозик фироқ қилди у. Матлабнинг "ўйин" сўзидан завқи ортди. Аёлнинг елкаларини силаб, насиҳат қилган бўлди:

— Ҳаётнинг ўзи ўйин. Бу ўйинда ютганлар бойликдан тож киядилар. Шундайми, Фахри?

Нашага тўйиб олган Фахриддин тирик мурдага айланган, бошини ўриндиққа тираганича заиф ҳирқираб нафас оларди. Матлабнинг турткисидан ўқ еган илондек сапчиб тушди.

— Кайфни ҳаром қилдинг, Миша! — деди у боши гувиллаб. — Манжалақинг билан қўшмозор бўл!

Бу бешумор олам учаласи учун яратилгандай. Киракаш шофёр гунг ва карахт. Бу саёқларни уйига элсаю ваъдадаги пулни санаб олса-да, яна Бухорога қайтса. Унинг чап қовоғи пир-пир учар, вужуди увишарди. Турли шубҳалар кўнглига кўланка соларди. Бе, бундай оғзинга кучи ётмаганларни бугун кўриб ўтирибдими.

Шофёрнинг ёнида толқон ютгандек ўтирган Рустам ниҳоят тилга кирди:

— Раънохон, Матлабнингизнинг авжи баланд-ку!

— Қўйинг-ей, авжи капалакникича йўғу... — бепардоз кулди у.

— Раъно, қистаганга ўхшайсан, — гапни бўлди Матлаб.

— Вой, тушунганини садағаси кетсанг арзийди. Шофёржон, шу ерда бир сақланг.

Машина йўл чеккасида аста тўхтади. Раъно ўрнидан кўзгалди. Фахриддин ҳам машинадан тушди. Уларнинг кўзгалиши ҳамоно Матлаб чўнтагидан олишқ тўқилган чилвир иппи олдию шофёрнинг бўйига ташлади. Шофёр бу нарсани умуман кутмаганди, олд эшикдан пайдо бўлган Фахриддиннинг устма-уст зарбидан гангиб қолди. Матлаб уни аёвсиз бўга бошлади. Шофёр бўғриқар, ип орасида қолган қўли билан тортқилаб қўтулишга уринарди. Аммо Фахриддин боксёрлардек унинг кўкрагига, жағига устма-уст мушт туширди. "Вой, аблаҳ-ей, эшакникича кучи бор экан, — заиф қичқирди Матлаб, — Торт". Раъно машина атрофидан гирди-капалак айланар, худди биров қараб тургандай саросимага тушарди. Фахриддин шофёрнинг инга чангак бўлиб ёпишган қўлларини сугуриб олдию жағига қаттиқ зарб билан урди. Узоқ олишувдан толиққан шофёр бемажол ҳирқираб заиф овоз чиқарди-да, ёнбошга оғди.

— Лаънати чайир экан, — сўқинди Фахриддин.

Рустам хотиржам сигарета тутатди. У хўрозлар жангини томоша қилгандай чеккадан боқар, наша уни буткул элтиб ташлаганди. Рустам мурданинг чўнтагини ковлашга тушди. Қўлига йлашган ҳужжатни, қоғозми,

ҳаммасини Фахриддинга узатаверди.

— Вой, зикна-ей, олиб юргани 97 сўму яна жанжал қилишини аблаҳнинг, — ижирғанди у.

Фахриддин шофёрнинг ҳайдовчилиқ гувоҳномасини чироққа тутиб ҳижжалаб ўқишга тушди: "Диловаров Я...". — Ҳи. Фамилиянгдан ўлгурдим, дилозоров экансану, одамга тутқич бермайман дейсан". У жасадни судраб йўл чеккасига улоқтирди. Сўнг қайтиб ўриндиқни пайпаслашга тушди. Қўлига қаттиқ бир нарса илашди, уни чироққа тутса, шофёрнинг тилла тишлари.

— Раъно, — деди у индамай турган Раънога. — Қани, икки юзимдан ўп-чи!

Раъно никоҳсиз эри бўлмиш Матлабга қаради. Матлаб рози

Матлабнинг кўзидан ўт чақнади. Сал бўлмаса, қойил-ей, деб қичқириб юбориши турган гап эди. Гўдакдай энтикди, сўнг ўзини эркин қўйди.

— Матлаб, Назаров деган одамни қандай гумдон қилганди-а. У занғарнинг ҳам бошига Диловаровнинг куни тушганди.

... Бу воқеа 1989 йилнинг 25 июль куни рўй берганди. Ўшанда Фахриддин Матлаб Гулиев, Дағар Мирзаев ва Тўрамурод Хидировлар билан Самарқандга "овга" чиққанди. Хуфтон маҳали улар Қаршига қайтиш тараддудига тушиб қолишди. Самарқанд-Китоб йўлида йўловчи машиналарга қўл кўтаришди. ВАЗ-2106 белгилі Д99-90 КФ русумли машина йўл чеккасида тўхтади. Шофёр билан улар одам бошига 40 сўмдан савдолашишди.

қоровул эриниб эшикни очди. Матлаб оч бўридай унга ташланди, оғзига латта тиқиб, кароватга чўзилтириб қўйди. Изидан кирган Саъдулла қоровулнинг оёқ-қўлини кишанлаб ташлади.

— Дўқ урасан-а, — зарда қилди Саъдулла. — Бир чертсам қум бўласан.

У қоровулнинг чўнтақларини ковлаб, 150 сўм пули ва 25 сўмлик тилло заёмни олиб, чўнтагига урди. Босқинчилар қоровулни тинчитиб ташқарига чиқишди. Бир зумда шериклари қирқма милтик, темирсоп (монтировка) ва пичоқ билан етиб келишди. Улар магазин эшиги қўлфига темирсоп уришганди, ташвишгоҳ қўтилмаганди бирдан ишлаб кетди. Қаттиқ чинқирқидан машинага ўтиришдию қочиб қолишди. Бу

чиқишди.

— Қани магазинни оч, занғар! — буюрди Фахриддин, — бўлмаса, каллангни сапчадек узиб ташлайман. Жонингдан умидинг борми? — у Махмаёровнинг иягига пичоқ тиради.

3. Махмаёров қўққис ҳужумдан гунг-карахт эди. У гўё туш кўраётгандек, кўзини катта-катта очар, ранги ўчган, танаси бировники эди гўё. Унга тегишли савдо дўкони қўлфини очгач, босқинчилар унинг кўзини рўмол билан боғлаб қўйишди. Рустам бошлиқ яна тўрт қароқчи ўзларини дўкон ичига уришди.

Банда ҳар бир жиноятдан сўнг узоқ танаффус қилар, атрофда шовқин тинчигач, яна овга чиқарди. Орадан етти ой ўтгач улар Касби туманида яшовчи М. Ҳошимовнинг уйига тунда "десант" ташлашди. Қароқчилар тамбалаган уй эшигини сапчориб, ичкарига киришди. Уй бекаси Ҳошимова ва унинг ўғлини ётган жойида оёқ-қўлига тушов уришди. Сўнг бўҳчаларни титишиб, беркитилган пулларни талаб қилишди. Ниҳоят, беканинг икки дона тилла билагузуги, тўрт дона узуги, бир дона тилла занжир ва бир жуфт тилла сирғасини олишди.

Банда 1989 йилнинг 21 август куни Косон туманида яшовчи фуқаро Н. Мавлоновнинг мол-мулкни эгаллаш учун ярим тунда унинг уйига бостириб киришди ва унинг бор-йўғи 715 сўмини ториб олишди.

Ф. Қўлтоев раҳбарлигидаги бу банда узлуксиз равишда босқинчилик билан шуғулланишди. Улар Сурхондарё вилоятининг Сариосиё туманида яшовчи фуқаро О. Шариповнинг уйини тунда, унинг "Жигули"сини икки баллони билан ва бир дона тилла қўл соати билан "электроника" соатини ўмарилди.

1989 йилнинг 10 ноябрь куни У. Юсупов туманида яшовчи Ю. Аннаевнинг уйига совуқ қуроллар билан қуролланган бу гуруҳ бостириб киради ва унинг турмуш ўртоғи Д. Қурбоновани уриш, ҳақоратлаш йўли билан 4000 сўм пул, 1600 сўмлик тилла заёмини қўлга киришиб, жуфтаникни ростлаб қолишди.

Талончилик, босқинчилик ҳадисини олган бу бандани жиловланш осон кечмади. Жиноятчи гуруҳ арз қилувчиларни қаттиқ огоҳлантирар, тегишли жойга етказишадиган бўлса ўлим кутишини эслатиб кетарди. Шунинг учун ҳам уларнинг ваҳшийликлари кўпинча парда ортида қолиб кетаверарди. Гуруҳнинг 19 аъзоси бор эди. Ҳа, бу фақат қўлга тушгани!

Ф. Қўлтоев ўз бандаси билан вилоятнинг исталган нуктасида хунрезлик қиларди. Инсонни қўлга толовини ўтда куйдириш, ярасига туз сеппиш, ҳатто кетига қиздирилган темирни босишгача етиб боришди.

Банда ўша 1990 йилнинг 18 март кечаси қўлга олинмаганда, яна не-не хунрезликларга қўл уриларди.

— Енгил нафас олдиқ ўша куни, — дея эслайдиган вилоят ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув бошқармаси бўлим бошлиғи, милиция катта лейтенанти Карим Отакулов. — Одамлар эркин нафас олишди.

Тергов ва суд жараёни икки йил чўзилди. Ахир уларнинг сўнги ил-дизларини ҳам чопиб ташлаш керак эди. Ниҳоят вилоят судининг аъзоси Ф. Турсунов раислигида ўтган суд ўзининг адолатли ҳукмини ўқиди. Фахриддин Қўлтоев ва Матлаб Гулиевлар олий жазо — ўлимга ҳукм этилди. Рустам Йўлдошев 15, Дағар Мирзаев 12, Тўрамурод Хидиров 12, Қобул Турсунов 12, Қамбарали Саидов 11 йил қамоқ жазосини ўтайдиган бўлишди. Банданинг қолган аъзолари ҳам турли муддатларга озодликдан маҳрум этилди.

Ўроз ҲАЙДАР.



ВА УНИНГ ГУМАШТАЛАРИ

оҳангида кўз қисди. Раъно "ака"сининг икки юзидан чўлпиллатиб ўпиб олди.

— Бу сенинг улушинг, ма, ол. — Фахриддин Раънога тилла тишларни узатаркан, Матлабга буюрди:

— Матлаб, жасадни орқа юкхонага тиқинглар.

Улар мурдани юкхонага жойлаштиришди. Рулга эса Фахриддин ўтирди.

Ҳаял вақт ўтмай машина ўрнидан кўзгалди. Фахриддин бу йўлларни кезавериб ўрганиб қолган, қаерда ўра ёхуд тепалик бор, беш қўлдай биларди. Чиябўридек санқиш, айниқса тунда кўршапалакдай қўнимсиз елиб-учиш унинг учун одат тусига айланганди. Ўлжа борки, бойқушдек панжа урар, бегона қилишни ёқтирмасди. Унинг бандаси вилоятнинг ҳар бурчагида фаолият кўрсатар, ким этига ёғ олса ўшанинг уйига "десант" ташларди. Айёр ва маккор Фахриддин Қўлтоев олдида шериклари ип эшолмасди. Болалигидан зўравонлиқни ҳавас қилган, ота-онасидан эрта айрилган бу худобезорини жиловланш кўндал қаср қуришдек қийин кечарди. Изқуварлар уни неча бор исканжага олишмасин, доимо у сувдан қуруқ чиқарди. Уни жиноят устида тутмоқ шамолини қуллаш билан баробар эди.

У машина рулини Муборак туманининг 31-давлат хўжалиги ҳудудидан ўтувчи коллектор ёнидаги тошйўлакка бурди. Беш юз қадамлар чамаси юргач, машинага енгил тормоз берди.

— Кўмиб ташланглар, — буюрди Фахриддин рўпарадаги тупроқ уюмига ишора қилиб.

Матлаб ва Рустам юкхонадан мурдани сугуриб, уюм ёнига олиб боришди. Наридан бери устига тупроқ ташлаб қайтишди.

— Занғарни бекорга иззат қилиб кўмдик-да, — эътироз билдирган бўлди Рустам. — Ит ўлигидай ташлаб кетиш керак эди, қузуғунлар чўқишиб, газак қилишарди.

Фахриддин бепарво. Машинани орқага буриб, катта йўлга чиқиб олди.

Машина бир маромда еларди.

— ГАИ пости, — сергакланди Матлаб. — Эҳтиёт бўлиш керак.

— Кўряпман, совуқда лаблари гезариб ўтиришбди, қўлига юз сўм тутсанг борар манзинингга ўзлари кузатиб қўйишди.

Савдо тез битди. Лекин разиллар шофёри Оёқчи-Қалқама йўлида ип билан бўғиб ўлдириб Диловаровнинг кунини солишди. Аммо ҳаром нарса ҳаромга кетади деганларидек, улар янги ўлжадан мамнун бўлиб оғзи қулоғига қайтишаётганда Чироқчи-Чим йўлида узоқдан ДАН ходимларига йўлиқишди. Қўлтоев машинани чапга бураман деб ағдариб қўйди. Ёмонга бало урмайди деганлари бунча чин бўлмаса. Улар ҳеч бир лат емасдан ўзларини қоронғуликка уриб, жуфтаникни ростлаб қолишди...

— Лаънати мурданинг жасади юкхонада эди-да, бўлмаса ҳовлиқиб ўтирармидим, — газабланиб Қўлтоев машина тезлигини оширатуриб. — Матлаб, ҳали кўрасан, биз ҳазинага ботамиз. Ўшанда оёқни чўзиб айшу ишрат қиламиз.

Улар ҳеч бир тўсиқсиз Матлабникига етиб келишди. Уйга кириб, нари-бери овқатланишди-да, навбатдаги "операция"ни маслаҳатлаш бошладилар.

— Матлаб, эртага Саъдулла Юсупов билан анови Умаровни топиб келасан. Яккабоғнинг Болғали қишлоғидаги магазинга камёб товарлар келганмиш.

Эртаси куни қоқ ярим тунда Фахриддин ва Матлаб икки гумаштаси билан Болғали қишлоғига Диловаровнинг машинасида жўнашди. Йўлма-йўл янги режалар тузиб уни қандай амалга ошириш ҳақида мунозара қилиб бордилар.

Соат миллари тунги иккинчи кўрсатарди. Машина Болғали йўлига киришда оҳиста тўхтади. Улар обдон маслаҳатлашиб, сўнг яна йўлга тушишди. Қишлоқ магазинига икки юз-уч юз метрлар чамаси берида тўхтаган машинадан Саъдулла ва Матлаб тушишди-да аста магазин тарафга қараб юришди. Улар қоровулнинг хотиржам ухлашидан кўнгиллари тинчиб, оҳиста ойнани чертишди. Қоровулнинг ичкаридан заиф ҳирқираган товуши эшитилди.

— Ким у?

— Ароқ керак! — Саъдулла овозини баландлатди.

— Ароқ йўқ! — кескин жавоб қилди қоровул.

— Эшикни очинг-чи, бунча қаттиқ бўлмасангиз, бобой, — пиҳиллаб сўради Саъдулла. — Дўқ урманг.

— Одамлар бунча айнимаса, ярим кечасиям ичишади-я! —

уларнинг энг сўнги "юриш"лари эди.

— Бу воқеа 1990 йилнинг 1 март кечаси рўй берди. Улар орадан 17 кун ўтиб, яъни 18 март куни кечаси навбатдаги овга чиқишганда йўлда ДАН ходимлари томонидан қўлга туширилди. Улар ДАН ходимларининг қўлига юз сўм тутсанг манзинингга кузатиб қўйишди деб нотўғри ўйлаб юришган экан. Машина юкхонасидан иккита қирқма милтик, бир дона темирсоп ва қўлбола пичоқ топилиди.

Тергов узоқ давом этди. Прокуратура терговчиси Шариф Қўзиев банданинг фаолиятини ипидан-игнасигача ўрганиб чикди ва уларнинг кирдикорларини фош этди. Вилоятда икки йилдан ортиқ фаолият кўрсатган банда "бошқони" — Фахриддин Қўлтоев муқаддам судланган, аммо таваба тазарруни насияга қолдирганлардан эди.

Шўро даврида "бандитизм" сўзи Жиноят мажмуасидан ўрин олса-да, уни қўллаш кўзгуга лой чаплашдек давлатни обрўсизлантириш билан баробар эди. Ҳар қандай банданинг ваҳшиёна жинояти енгил жазолар билан алмаштирилар, негаки, социализмда жиноятнинг ўзи бўлиши мумкин эмас, деган чучмал ақида қон-қонимизга сингиб кетганди. Ваҳоланки, бундай ваҳший бандалар оёқ остида қўзиқориндек потраб ётарди.

... Фахриддин қамоқдан қайтганидан сўнг жиний банда тузди. Ваҳшийлик қобиғига ўралган, инсонни зўрлаш ва ҳақоратлашлардан ҳузур қиладиган кимсаларни атрофига тўплади, уларга раҳнамолик қилди. Дастлаб бу банда 1988 йилнинг 5 ноябрь куни Нишон туманида яшовчи фуқаро З. Махмаёровнинг уйига ярим тунда "юриш" қилди. Қирқма милтик, темирсоп ва пичоқ билан қуролланган, юзига ниқоб тутган газандалар уй ичига бостириб киришди. Маймун ниқобли Фахриддин Қўлтоев тарақтуруқдан безовталанган уй соҳибларига: "Ҳамманг ўрингдан тур, йўқса отиб ўлдираман", дея дағдағ қилди. Уй соҳиблари қўрқувдан карахт қотган. Босқинчилар уларнинг дуч келганини уриб-тепишиб, оёқ-қўлларини боғлаб ташлашди. Уй хўжайини З. Махмаёровнинг қўлини қайириб, ҳовлига судраб

ВАЪДА — ҚАРЗ ДЕМАК!

Мустақиллигимизнинг икки йиллиги байрам қилинаётган 31 август кунга соат 21 — 22лар орасида бир ҳамкасб дўстим билан "Зарафшон" ресторанидан чиқдик. Йўлимиз Бобур номли истироҳат боғи томонга эди. Бироқ бир қанча ички ишлар ходимлари бизга "Буюк Турон" кўчаси томон йўл ёпиқлигини айтишди.

Ички ишлар ходимларидан бизни ўтказиб юборишларини илтимос қилдик. Шунда янглишмасам, бир катта лейтенант менинг исм-фамилиямни айтиб, тўғри-нотўғрилигини ўзимдан тасдиқлаётди. Ҳақиқатда у янглишмагани.

— Сизларни ўтказиб юборолмаймиз, — деди у, — лекин қисқароқ йўлни кўрсатиб юборишимиз мумкин.

Биз рози бўлдик.

— Фақат битта шарт билан, — бояғи милиция ходими сўзида давом этди, — кўпроқ мақола ва шеърларингизни чоп эттириб турасиз.

Осойишталик йўлида тартиб сақлаб турган милиция ходимларининг ҳалол хизматларидан хурсанд бўлдик ва уларнинг муомаласига ҳавас билан қараб йўлга тушдик.

Гапнинг очиги, мен ўша дамда яқин йўлга ўтиб олаётганимдан эмас, балки камтарин ижодимнинг яна бир муҳлисини учратганимдан бениҳоя севиндим. Умуман, ички ишлар ходимларини зиёлипарвар кишилар, деб биламан. Ва бунга қўллаб мисоллар келтиришим ҳам мумкин. Шу баробарида улар орасида яхшигина мақоланавислар, шoirлар, ажойиб санъаткорлар жуда кўплиги ҳам аниқ ҳақиқатдир.

Мен катта лейтенантга у қўйган "шарт"ни имкон қадар адо этишга сўз бериб, хайрлашдим. Зеро, машойхлар: "Ваъда — қарз демак!" дейдилар. Қарзни эса узмоқлик лозим.

Севимли "Постда" газетамиз ижодий ходимлари бу борада менга кўмак берадилар, деган ишонч билан ушбу мактубга шеърим намуналаримдан айримларини илова қилмоқдаман.

Қамол эҳтиром ила

Дилмурод САЙИД.

"ҲАБИБАГА МАКТУБЛАР" туркумидан БИРИНЧИ МАКТУБ

Сендан айрилганим туш бўлсин дея
Тангрига туну кун илтижо қилдим.
Ёр яна бағримга бош қўйсин дея
Саждага бош урдим, зор нидо қилдим.
Эвоҳки, ўтинчлар барчаси абас,
Илтижо, нолишлар бўлмади нажот.
Армонга дўндию бир ўтли ҳавас,
Меҳробга кўмилди илк севги, ҳайҳот.
Сен эса... Сен эса ҳамон ўшандоқ,
Ҳамон пойингдадир гўзаллик тахти.
Ҳамон бир бахт бўлиб турарсан чақноқ
Фақат... оҳ... энди бу — ўзганинг бахти!..

ИККИНЧИ МАКТУБ

Тушимга кирасан ҳар кеч бирдайн:
Нигоҳингда ўкинч, кўзларингда ёш.
Бир сўз гапирмайсан, биламан лекин
Сен мендан хафасан, хафа, қорақош!
Тушимга кирасан; зирқирар юрак,
Сенга термуламан, ҳар кеч қўяман.
Юзларингдан сийпаб ўнгимдагидек —
Тушда ҳам кўз ёшинг артиб қўяман!..

ҚАЛАМ ТАЪРИФИДА

Умримда суянчим шу қалам бўлди,
Мен унинг бағрига аста қўйдим бош.
Кўрганим, оҳ, ёлғиз дард-алам бўлди,
Аллоҳдан топганим фақат бир бардош!
Ҳамнинг лашкарлари каманд солганда
Тиғ бўлиб ҳимоя этди қаламим.
Ўша кун — кимсасиз, ночор қолганда
Бармоқлар бағридан тутди қаламим.
Устимга қулади маломат тоғи,
Қувди ғаним бўлиб дўсту санамим.
Бўғзимга ботганда ажал тирноғи
Мени асраб қолди фақат қаламим.
Ўксиган қалбимга берди куч-нажот,
Умиддан дардимга малҳам ўради.
Ҳар кеча тиғга бош тутдию, ҳайҳот,
Аллоҳдан мен учун умр сўради!

ТЎРТЛИК

Тилинган юрагим ойга ўхшайдир,
Ойнинг ҳам қалбимдек бор эрур доғи.
Эзгулик онасиз гўдакдек сағир,
Маломатнинг эса учқур оёғи!..

АЖАБ ДУНЁ

Собик Иттифок кўлга тушди. ***
Шаҳарларидан бирида хонадон
эгаси меҳнат таътилига
кетаётди, чақирилмаган
меҳмонлар учун столга коньяк
қўйиб қўйди. Коньякка озгина
цианистий калий қўшган эди.
Бахтга қарши чақирилмаган
меҳмонлар ташриф буюрдилар.
Хонадон эгаси узоқ муддатдан
сўнг қайтиб келиб, столда бўш
коньяк шишаси, пастда эса
тўртта мурдани кўрди. Суд
унинг тадбирига "ўйлаб
қилинган қотиллик" деб баҳо
берди.

Ставрополь ўлкасида бир
ишсиз доллар тўплаб
бойишнинг галати йўлини топти.
Бу нараса америкаликларнинг
хаёлига келмаганди.
Кашфиётчи ўн долларлик пулга
битта ноль қўшиб, юз
долларликка айлантирди.
Пулларнинг иккитасини
ишлатди, учинчисига келганда

Псков вилоятининг Опочецк
тумани милициясига А.
Григорьев келиб, таслим
бўлмоқчилигини айтди. Унинг
хикоясидан ҳайрон қолган ми-
лиционерлар чолни психиатрга
юборишдан олдин, ҳар
эҳтимолга қарши, маҳаллий
чекистларга мурожаат
қилдилар.
Чол айтган гаплар тўғри экан.
Уруш даврида у полицияда
ишлаган ва 1945 йили ҳибсга
олиниб, 10 йилга қамалган.
Аммо 1946 йилда қочган. Шу-
шу Григорьев 47 йил ўз уйида
яшириниб яшаган. Онаси вафот
этгач, очлик уни ташқарига
чиқишга мажбур
этган. Псковлик чекистларнинг
айтишларича, муддат ўтганлиги
учун у авф этилиши мумкин.
Бундан ташқари, Григорьев
жазо ишларида қатнашмаган,
қўли қонга бўялмаган.



кечирасиз, ҳеч нарсасиз ётарди.
Дераза очик, ёнига бордим. У ердан
эса манаву қочиб кетаяпти. Фақат
трусиди. Кейин тумбочкани олиб
унга отдим.

— Жабрланувчи, — деди судья,
— сиз нима дейсиз?
— Мен 3000 метрга
югураётгандим, бирдан деразадан
тумбочка учиб чиқди...

— Тушунарли. Қани, хонимдан
эшитайлик-чи.
— Кун исби кетди. Ечиниб очик
дераза ёнидаётгандим. Бирдай эрим
югуриб кириб деразадан тумбочкани
отди.

— Тушунарли. Сўз гувоҳга.
— Буларга менинг ҳеч қандай
алоқам йўқ. Мен тинчгина тумбочка
устига ўтиргандим...

Дугона дугонасига шикоят қилди:
— Биласанми, эрим
кечқурунлари аллақерларга
йўқолиб кетадиган бўлиб қолди.
Нима қилишга ҳайронман.

— Менда ҳам шунақа бўлган. Бир
кун қарасам, Николай тагин йўқ.
Охири, кириб келди. Шунда мен
диванда тескари қараб ётарканман,
секингина бошқа одамнинг номини
айтдим: "Бу сейми, Игорек!"
Ушандан бери кеч бўлдими, уйда.



— Томорқани чопаетгандим, ку-
тилмаганда бир сўмлик танга пул
чиқиб қолди. Олиб чўнтакка солдим-
да, чопишда давом этдим. Қарасам,
яна бир сўмлик, олиб чўнтакка
урдим. Бир дақиқадан сўнг тагин
танга. Шундай қилиб, кетма-кет ўн
марта...

— Нахотки хазина?...
— Э, йўқ, чўнтагим тешик экан.

Эр туғруқхонага кўнғироқ қилиб,
хотинидан ўгли кимга ўхшашини
суриштирди.

— Менга ўхшайдимми?
— Йўқ.
— Сенгами?
— Йўқ.
— Кимга ўхшайди, ахир?
— Барибир уни танимайсиз...

Судья:
— Хўш, айбланувчи, гапиринг.
— Нимани гапираман. Уйга
қайтдим. Хотиним тўшакда,

Осмондаги булутлар энди оқ ва қизил тусга
кирган тонг сахарда Фекла буви бор-йўғи бир
ҳафта бурун тайинланган кишлоқ участка
вакилига қараб югурди. У Яшқа лақабли эч-
қисининг тўсатдан ховлидан чиқиб йўқолиб
қолганини милиционерга йиғлаб-сиқтаб
гапириб берди.

Қорача юзли, сочини қалта олдирган еш
лейтенант Авдохин воқеани иппидан игнасиғача
суриштирди. Эшитганларини эринмай қозоғга
туширгач, кампирни юпатди:

— Куйинманг, хола, эчкингиэни
топамиз, биздан кутулиб бўпти.

Яшқаси билан тезда учрашишга
қаттиқ ишонган Фекла буви хурсанд
бўлиб уйига жўнади. Авдохин эса эч-
қини топиш операциясини ўйлай
кетди, уни хаёлида "Шоҳ ва туёқ" деб атади.

— Биринчидан, — қарорга келди у, — ҳар
еққа бурнини тикиб юрадиган шу ерлик
болақайлардан сўраш керак, иккинчидан,
кишлоқнинг ҳамма овлоқ жой ва бурчақларини
тинтиб чиқиш лозим.

Кун бўйи давом этган қидирув ҳеч нараса
бермади, шунда Авдохин уддабурро ва топқир
Володя Павловскийдан ердан сўрамоқчи бўлди.

— Володя уйда йўқ, — деди эчкини очган
онаси унинг саволига жавобан. — Қўшни
кишлоққа танцага кетган, ўн иккидан олдин
қайтолмаслигини айтувди.

— Хўш, унда кечирасиз, — деди Авдохин, —
агар йўқ демасангиз, эртага эрталаб кираман.

Бу пайт қўшни кишлоқдаги клубда танца
борар, бутун атрофни шоқин-суронли
магнитофон овози босиб кетганди. Вовканинг
қаллиги шу кишлоқда яшар ва у учрашувга икки
кишлоқ оралигини эгаллаган мазор орқали ўтиб
келишга мажбур бўлганди.

Тун жуда қоронғулашди. Ногаҳон турган
шамол дарахтларни эгиб-бука бошлади.

Жуфлар уйларига шошиб қолдилар. Танца
тўхтади.

— Уйингача қанча чопишинг керак, —
Вовканинг қулоғига шивирлади қаллиги Вали.

— Музлаб қоласан, шўрлик.
— Ҳечқиси йўқ, амаллаб етиб оламан, —
мағрур жавоб берди Вовка.

Хайрлашувга қизни ўпиб, тун қаърига
шўнғиди. Қора булутлар ойни тўсган, йўл
кўринмасди. Тез орада Вовка йўлнинг энг қийин
қисми, деб ҳисоблайдиган қабристон кўринди.
Қўлларини ейган хочлар ғамгин сирларини
сақлаб турардилар.

— Қоронғуни қара-я, биров муштлаб кетса
билмайсан, — гўлдиради Вовка устидаги қорни

ғамнок бўлди. У эчкини қучоқлаганича мудраб
кетди.

Тонг отди. Табиат сукунатини қўшиқ овози
бузди. Вовка қўчиб уйғонди-да, мудроқдан
огирлашган қовоқларини очиб, қулоқ солди. У
кишлоқ чўпонни, ўта ичкиликбоз Кузьма
амакини овозидан таниди.

— Дунёда яшаш қандай яхши-и-и! Их!
"Кимникидадир меҳмонда тўйиб ичиб, ўша
ерда тунаб қолганга ўхшайди", — ўйлади Вовка
ва хурсанд овозининг борица қичқира бошлади:

Вовка, эчки ва Кузьма амаки

Дмитрий МУКИН

қоқаркан. — Ҳеч нараса кўринмайди, ҳатто
кўрқинчли. — Йигит қаллигини ўйлади. Аммо
тўсатдан сирганиб кетди ва мувозанат
сакломай туби билчиллаган лой чуқурга
йиқилди.

Вовка янги қазилган гўрга тушганини
билгач, кўрқиб кетди.

— Энди бу ердан қандай чиқаман? — деди
у қалтираб.

Шу пайт бирдан уни тоқ ургандай бўлди,
ўзидан бир метрча нарида алланарсанинг
порози пишиллаганини эшитди. Қайрилиб
қараб бошидан хуши учди: қоронғуликда иккита
катта кўз ялтираб турарди. Кўрқувдан
қичқирмоқчи эди, нафаси тикилиб, овози ҳам
чиқмади. Вовка дағ-дағ титради. У қоронғуликка
эўр бериб тикиларкан, кўзи олдида оддий эчки
турганини пайқайди. Эчкининг узун, япалоқ
бурни огир нафас олиб пишиллар, ундан чиққан
қуюқ буг тепасида тўпланиб турарди. Холдан
тойган эчки бурчаққа тикилганча чақирилмаган
меҳмонга кўз тикканди. Вовка ўзига келди ва
эчкига яқинроқ ўтирди. Эчки ҳам унинг ўзига
ўхшаш шўрлик эканини сезди шекилли,
тинчланди.

Шамол тинди ва қабристон устига чўккан
нохуш жимжитлик Вовкани эза бошлади. Вовка
онаси қанчалик безовта эканини ўйлаб бадтар

— Кузя амаки, чуқурдан чиқариб, олинг,
ердам беринг!

Қўшиқ ярида узилди. Кузьма кўрққанидан
қалтираб кетди, таққа тўхтади.

— Нега индамайсиз? Яқинроқ келинг, мени
танийсиз! Бу мен, Вовка Павловский.
Кирьяновнинг ўглиман! Тепага чиқишимга
ердам беринг, тун бўйи шу ерда ўтирдим, совук
суяк-суягимдан ўтиб кетди.

— Мен эрталабгача қайфим тарқар деб
ўйловдим, — гўлдиради Кузьма бўйинини
қашиганча, — кеча нимага бунчалик бўкиб
ичмасам?

У анча ўйланиб тургач, ниҳоят, чуқур енига
келишга қарор қилди.

— Мени чиқариб олинг, қамчингизни
узатинг, — қичқирди Вовка чидамай.

— Бахтинга қамчим бор экан, — деди
Кузьма. — Озгина шошма, сумкамдан оламан.

Бир дақиқадан сўнг чуқурга арқоннинг
чувралган учи тушди.

— Бўл, арқонга осил, мен тортаман.

Вовка эчкига бурилди. Эчки у билан
ажрашишини сезгандай, мўлтайиб қараб
турарди. Вовканинг раҳми келди.

"Майли, чўпон аввал эчкини тортиб олсин",
— ўйлади у ва арқонни эчкининг қорни аралаш
бўйнига боғлади.

— Бўлинг, Кузьма амаки, тортинг! —
қўлларини қувача қилиб қичқирди Вовка ва эч-
қини тепага итара бошлади.

Ниҳоят, юқорида эчкининг бурама шохи, қор
ва лойга беланган соқоли, кўзлари ола-қула
башараси кўринди. Кузьма даҳшатдан қалқиб
кетди.

— Йўқол, иблис! — бақирди у титроқ овозда
ва арқонни қўйиб юборди. Эчки қайта чуқурга
қулади.

Кузьма шунақанги қочдики, нақ жони чиқиб
кетаёзди.

Вовка кўзларидан еш чиққанича
хололади, аммо кейин чуқурда қанча
ўтириши номаълумлигини ўйлаб ғамга
ботди...

Кузьма кўрқувдан дағ-дағ
қалтираганча уйига етиб келди ва ечинмасдан
ҳам кўрпа ичига кириб кетди. Бўлган воқеани
титраб-қақшаб хотинига гапириб берди.

— Қабристонда гўрдан шайтонни тортиб
олишимга сал қолди!

— Сен пиянистада арокдан оқ иситма
бошланибди! Кўзингга шайтонлар кўринапти!
Сен бўлсанг ҳалиям тинмайсан! — жаврай
бошлади хотини.

— Нимага ақиллайсан! — қазабга минди
Кузьма. — Айтипман-ку, мазорда шоҳли,
соқоли шайтонни кўрдим, гаплашдим ҳам.

Бунини эшитган қичик ўгли кеча участка
вакили сўраган эчки бўлса керак деб ўйлади
дарров. Ҳеч кимга ҳеч нараса демай мили-
цияхонага қараб чопди. Нафаси тикилгандан эн-
тикиб участка вакилига эшитганларини узук-
юлук гапириб берди.

— Ҳм, мана, Фекла холанинг эчкиси қаёққа
гумдон бўлган экан, — деди Авдохин қулиб, —
ердаминг учун раҳмат, болақай.

Фекла холанинг эчкиси ана шундай қилиб
топилди. Вовка гапириб берган воқеани эса бу-
тун кишлоқ эшитиб қулиб юришди.

О.ФАРМОНОВ таржимаси.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

РАСУЛАКА!

Сизни 1 октябрь кунни табаррук қирқ ёшга тўлишингиз муносабати билан чин дилдан қутлаймиз! Бахтимизга доимо саломат бўлинг, фарзандларингизга бош бўлиб, роҳатини кўринг. Қирқни берган эгам юзни ҳам дариг тутмасин.



Чексиз эҳтиром билан турмуш ўртоғингиз Муқаддас, қизингиз Шириной, ўғилларингиз Рустамжон, Равшанжон, Алишержон ва келинларингиз Марғубахонлар.

ХУРМАТЛИ ЮЛИЯ!

Сени туғилган кунинг билан табриклаймиз! Сенга сиҳат-саломатлик, катта бахт-саодат, ўқишда ва шахсий ҳаётингда муваффақиятлар тилаймиз!

КУРСДОШ ДЎСТЛАРИНГ.

ОБУНА — 94

Агар Сиз —

ҳуқуқий маслаҳатга муҳтожлик сезсангиз,

янги қонун шарҳлари билан танишмоқчи бўлсангиз,

қизиқарли тақдир эгалари билан учрашмоқчи бўлсангиз,

жиноятчилик билан кураш аҳолидан хабардор бўлишни истасангиз,

ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш борасида фикр-мулоҳазаларингиз эшитилишини хоҳласангиз,

адолатсизликдан ниязот истасангиз,

сира адашмасдан "Постда" ва "На прсту" газеталарига обуна бўлинг!

Газеталарга 1994 йил учун обуна барча алоқа бўлимларида чекланмаган миқдорда қабул қилинмоқда.

Ҳар бир газета учун обуна баҳоси:

бир йилга — 4680 сўм,

олти ойга — 2340 сўм,

уч ойга — 1170 сўм.

Обуна рақами (индекси): 64615 ва 64616.

Йигит бурчи-ку!

Ватанни ҳимоя қилиш фуқароларнинг конституциявий бурчидир. Бироқ муқаддас диёримиз ҳимоясидан бўйин товлаётганлар оз бўлса-да, учраб тургани бизни ранжитаяпти.

Яқинда Қамаш халқ суди ана шундай ҳарбий хизматдан бўйин товланган Ғафур Алмирзаевнинг устидан қўзғатилган жиноий ишни кўриб чиқди.

Ғ. Алмирзаев тумандаги "Рассвет" давлат хўжалигининг Узун қишлоғида туғилган, мазкур хўжаликда ишчи бўлиб ишлаб келган. У 1991-1992 йилги чақириқларда чақирув қорозини имзо чекиб олган бўлса-да, қасддан Қамаш ҳарбий комиссариатига бормаган. Шунга кўра Ғ. Алмирзаев Ўзбекистон Республикаси Жиноят Мажмуасининг 70-модда 1-қисми билан бир йилга озодликдан маҳрум этилди.

Р. ҚҶШОҚОВ.



ТУНГИ ХИЗМАТДА...

Б. ХОЛМИРЗАЕВ суратли лавҳаси.

ПАХТАНИ АСРАШ
ҲАММАМИЗНИНГ
ИШИМИЗДИР

Бугун диёримизда Ўзбекистоннинг асосий экини бўлган пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш қизғин давом этмоқда. Бу хайрли ишга ички ишлар ходимлари ҳам жалб этилиши табиий, албатта. Зеро бободоҳқоннинг катта меҳнати, пешона тери эвазига етиштирилган миллий бойлигимизни асраш-авайлаш, уни манзилига бутун ва сифатли ҳолда етказиш нафақат деҳқонларимиз, балки барчамизнинг бурчимиз ҳамдир.

Шу боис терим бошланиши биланоқ бўлимимизда ДАН, ёнғинга қарши кураш бўлими, милиция участка вакилларида иборат иккита махсус гуруҳ тузди. Бу гуруҳларга профилактика хизмати бўлинмаси бошлиғи, милиция катта лейтенанти Бозорбой Дониёров ва жамоат тартибини сақлаш бўлинмаси катта нозири, милиция катта лейтенанти Шухрат Пармоновлар етакчилик қилмоқдалар. Гуруҳларнинг асосий вазифаси пахта нобудгарчилигининг олдини олиш ҳамда нобудгарчиликка йўл қўйиш ҳолатларини рўй-рост кўрсатиб беришдан иборатдир. Ҳозиргача бу гуруҳлар ўз олдларинда турган вазифаларни сидқидилдан адо этиб келишяпти.

Сир эмас, пахта нобудгарчилигига йўл қўйиш ҳолатларидан бири — терим даврида аҳоли қорамолларининг пахта далаларига қўйиб юборилаётганлигидир. Ходимларимиз бунинг олдини олиш борасида қишлоқ кенгашлари ходимлари, маҳаллалар фаоллари

билан ҳамкорлик ўрнатиб кучайтирилган вазиятда иш олиб бормоқдалар. А.Навой номли давлат хўжалигидан Ғулом Алимбоев, Рустам Ғозиев, Беруний номли жамоа хўжалигидан Умурзоқов ва Гавриленколар, Улуғбек номли жамоа хўжалигидан Т.Дўстмуродов, Абай номли давлат хўжалигидан К.Исоқов ва Т.Сарибоевларнинг қорамоллари пахта даласида ҳосилини нобуд қилиб ўтлаб юрганида ушланган ва эгаларига 4 мингдан 10 минг сўмгача жарима солинди. Ҳозиргача жами 61 кишининг 185 та моли пахта даласида қаровсиз юрганлиги ҳолатлари аниқланди. Қорамоллар эгаларига жами 200 минг сўмлик жарима белгиланди.

Беш қўл барабар эмас деганларидек, ҳозирги долзарб паллада, ҳамма элимиз ризқ-рўзи бўлган "оқ олтин"ни нест-нобуд қилмасдан териб олиш иштиёқи билан яшаётган бир пайтда айрим кишилар ўз манфаатлари йўлида ҳар қандай пасткашликдан қайтмаяптилар. Уларни бошқача аташ мумкин эмас, чунки улар кечалари молларини пахтазорга ҳайдаб, эрталабгача кўсак билан боқишмоқда. Айрим

кишилар ҳаттоки кўсакни пақирлаб териб келиб, ем ўрнида молларига беришяпти. Ахир молни пахтазорга ҳайдаш - нонни оёқости қилиш эмасми? Бизнинг фаровон турмушимиз шу пахта туфайлику. Шу сабаб ҳам ходимларимиз бундайларга қарши аёвсиз кураш олиб бормоқдалар.

Афсуски, пахтани асрашда ҳам лоқайдлик ҳолатлари ҳамон учрамоқда. Бунга бевосита алоқадор бўлганларнинг беғамлиги, ўз вазифасига совуққонлиги кишини ажаблантиради. Жумладан, ходимларимиз айрим пахта пунктларида ёнғинга қарши кураш воситаларининг носозлигини, баъзи жойларда эса ҳовузларда сувнинг йўқлигини аниқладилар. Наҳотки улар ёнғин чиққудек бўлса, бунинг ниҳоятда қимматга тушишини тушунмасалар. Хўжаликларда тележ-каларнинг яроқсизлиги, пахта устига қанор тортилмаслиги ҳам пахта нобудгарчилигига олиб келмоқда. Йўллар чеккасида оппоқ бўлиб тўкилиб ётган пахталарни кўриб ачинасан киши. Бу — эътиборсизлик ва лоқайдликдан бошқа нарсасиз.

Қисқа қилиб айтадиган бўлсак, қиш-қировли кунларга қолмасдан, ҳар бир кунни ғанимат билиб ҳалол меҳнат эвазига йиғиб олинаётган пахтани кўз қорачиғидек сақлашга бўлган масъулиятни ошириш шу куннинг талабидир. Бу иш барчанинг бурчи бўлмоғи керак.

Х.ОЛЛОНаЗАРОВ,
Қуйи Чирчиқ тумани ички ишлар бўлими бошлиғининг ўринбосари, милиция майори.

Кулайми,

куяйми?..

ҚАРИГАН ЧОҒИДА

"Боғяп" жамоа хўжалигининг 18-бригадасида яшовчи 61 ёшли Рашид ота Юсуповга нима етишмайди, билмадик. Ёки шайтоннинг гапига кирдим, ишқилиб, бир одамга наша сотаётганида Элликқалъа тумани ИИБ ходимлари қўлига тушиб қолди. Қариган чоғда бу нимаси эди?

ТОВУҚ, КУРКА ОВИДА...

Тўртқўллик Рустам Жуманиёзов қўшини Испомбек Жумабоев билан биргаликда Элликқалъа тумани "Қирққиз" жамоа хўжалигига келишди. Улар бошқараётган мотоцикл Рўзимбой Жуманиёзовнинг товуқ кўраси олдида тўхтади. Жўралардан бири кўра томон кетди ва иккита товуқ, тўртта куркани қўлтиқлаганича мотоцикл томон чопди. Лекин шериги мотоциклга қанча газ бермасин, у жойидан силжимади. Орқасига қараса, бир одам мотоциклнинг орқасидан кўтариб турган экан. Қочмоқчи бўлганларида эса ҳалиги киши уларни тутиб, Элликқалъа тумани ИИБга хабар қилди. Ўғрилар кейинчалик билишса, мотоциклни кўтариб турган киши товуқ ва куркаларнинг эгаси Р. Жуманиёзов экан.

ОТА-БОЛА ЎҒРИЛАР

Туркманистоннинг Тошхавуз вилоятликлари ота-бола Гурбек ва Вапо Гурбонқичевлар Элликқалъа туманидаги "Қилчиноқ" жамоа хўжалигига яшовчи Ш. Собировнинг учта молини ҳе йўқ, бе йўқ етаклаб кетиб қолди. Ш. Собиров эса вақтни бой бермасдан ИИБга қараб югурди. Жиноятни ИИБ ходимлари очишди ва ўғрилар қамоқ билан сийланди. Илгари судланган ота ўғлини ҳам ўз йўлидан бошлади.

М. ЖУМАМУРОТОВ,
милиция майори.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ раҳбарияти ва шахсий тарқиб Тиббиёт бошқармаси бошлиғи, ички хизмат полковниги Суннат Толиповга акаси

Тоҳир ТОЛИПОВНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдириб, таъзия изҳор қиладилар.

Марҳумни Аллоҳ раҳмат қилган бўлсин.

- Кўчириб босишда «Постда»дан эканлигини кўрсатиш шарт.
- Мақолада келтирилган рақамлар, фактлар ва бошқа маълумотлар учун, шунингдек, оқиқ ўйлон қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.
- Муаллифнинг мулоҳазаси таҳририят фикрига мос тушмаслиги мумкин.
- Қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва қайтарилмайди.

Газета ИВМ компютерида терилди ва саҳифаланди.
Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000021.
Буюртма Г — 606, 32.939 нусхада босилди.
Ҳажми — 2 босма табоқ.
Босилиш — офсет усулида.
Босишга топшириш вақти — 19.00.
Босишга топширилди — 19.00.

ТЕЛЕФОНЛАР: муҳаррир — 39-70-40, муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, масъул котиб — 59-29-66, муҳбирлар бўлими — 59-20-92, умумий бўлим — 59-21-21.

Обуна рақами — 64615.

Муҳаррир

Зокир ОТАЕВ

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700029, Тошкент,
Наврўз кўчаси, 1.